Конституциявий суд:

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИДА

(Давоми 1-бетда)

зом асосида олиб борилади. Унга мувофиқ фуқаролар, ташкилот ва идораларнинг Конституциявий судга мурожаатларининг ҳисоби юритилади, ҳар ярим йилда бу маълумотлар умумлаштирилади ва таҳлил этилади. Шу асосда Конституциявий суд Раиси ёки унинг ўринбосари номига ёзма хулоса тайёрланади. Хулосада қуйидагилар акс эттирилади: фуқаролар мурожаатларида қайси долзарб муаммолар хусусида сўз юритилган; фуқароларнинг қайси тоифалари энг кўп мурожаат этаётганлиги; фуқаролар кўпроқ қайси органлар ёки мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан мурожаат этаётганлиги; мурожаатларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг Конституция қоидаларига бевосита ёки билвосита зид хатти-ҳаракатлари тўғрисида далиллар бор-йўқлиги; фуқаролар мурожаатлари қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг камчиликлари, эскирганлиги, қарама-қаршилиги кабиларга қаратилган-қаратилмагани.

Хулосада фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат этишга мажбур қилган бошқа ҳолатлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Конституциявий суднинг фуқароларни мурожаатлари билан ишлашининг ҳуқуқий асослари «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасидан келиб чиқади, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл давлатларнинг фуқаролари Конституциявий судга мурожаат этишлари мумкин, агар улар:

а) ўз конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари қонун ёхуд Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжат, Президент фармони, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалари ёки бошқа мажбуриятлари боис бузилган деб ҳисобласалар;

б) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ёки Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига номувофиқ деб ҳисобласалар;

в) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ берилишини сўрасалар.

Конституциявий суд ташкил этилгандан буён ўтган давр ичида унга мурожаатларнинг таҳлили кўрсатишича, кўпчилик фуқаролар Конституциявий суд вазифалари ва ваколатларидан бехабарлар. Хатлар ва оғзаки мурожаатларда асосан маҳаллий ҳокимият органлари хатти-ҳаракатлари, суд органларининг қарорларидан норозилик баён қилинган. Ваҳоланки, бу масалаларни ҳал қилиш конституциявий суд ваколатлари доирасига кирмайди.

2001 ва 2002 йилнинг биринчи ярми давомида Конституциявий судга келиб тушган фуқароларнинг 607 та мурожаатлари ўрганиб чиқилди. Уларнинг баъзиларида баён этилган фактлар бўйича, Конституциявий суд судьялари ташаббусига асосан, тегишли масалалар Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқиш учун киритилди.

Масалан, 2001 йил 9 августда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмини шарҳлаш тўғрисидаги ишни кўриб чиқди. Масала суд мажлисига якка тадбиркор В. Фроловнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан учта судья ташаббуси асосида киритилди. Конституциявий суд ушбу масалани атрофлича ўрганиб чиқиб ўз қарорини қабул қилди:

1. Янги солиқлар ва маҳаллий йиғимлар жорий этиш, солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг кўпайтирилиши, имтиёзлар бекор қилиниши билан боғлиқ солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларни кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтириш деб ҳисоблаш керак;

2. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмида мустаҳкамлаб қўйилган норма тадбиркорларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартиришлар киритилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда амалда бўлган ставка бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқини беради.

3. Ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Фуқаролардан Конституциявий судга келган шикоятлар кўриб чиқиш икки гуруҳга ажратилади.

1) Кўриб чиқилиши Конституциявий суд ваколатига кирмайдиган масалалар баён этилган хатлар. Бундай мурожаатлар олинган вақтдан эътиборан 5 кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатилади. Агарда мавжуд ташкилотлар, органлар ёхуд мансабдор шахслар кўриб чиқиши учун хатда зарур маълумотлар бўлмаса, у, худди шу муддатда, тегишли тушунтиришлар билан фуқарога қайтарилиб юборилади;

2) Конституциявий суднинг ваколатлари қаторига кирувчи ахборот ёки муаммоларни ўз ичига олган мурожаатлар. Бундай хатлар Конституциявий суд Раиси ёки унинг ўринбосари топшириғига мувофиқ, Конституциявий суд судьялари томонидан ўрганиб чиқилади. Шундан кейин Конституциявий суд судьяси Конституциявий суднинг Раиси ёки унинг ўринбосарига хулоса тақдим этади. Хулоса икки ёки ундан ортиқ судья томонидан маъқулланган тақдирда, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг юқорида тилга олинган 19-моддасига мувофиқ, масала, учта судья ташаббуси асосида Конституциявий суд мажлисига кўриб чиқиш учун киритилади.

Бу борадаги бошқа давлатлар Конституциявий судлари фаолияти тажрибаси ўқувчиларни қизиқтирса ажаб эмас. Масалан, Россия Федерациясининг Конституциявий суди «Россия Федерациясининг Конституциявий суд тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ фуқароларнинг мурожаатларида Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилгани акс эттирилиб, бу фактлар ҳужжатлар билан тасдиқланадиган бўлса, ушбу масалани кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Германияда тегишли қонунга кўра, маъмурий хатти-ҳаракат ёки ҳукм чиқарилиши натижасида ўзининг асосий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобловчи ҳар қандай фуқаро Федерал конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин.

Мавзу ҳақида фикр юритиб, яна шуни айтиш керакки, фуқароларнинг мурожаатлари Конституция нормаларида белгиланган қоидаларининг ижросини таъминлашда ўзига хос ўринга эга. Уларда қўйиладиган масалалар фуқароларнинг бевосита қонун талаблари ижроси билан боғлиқ жараёнлар давомида вужудга келади ва талайгина муаммоларни бартараф этишга кўмаклашади.

**Ё. АБДУВАҲОБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти**

*Янги нашрлар*

# АЛП ЖАМОЛНИ ЭСЛАБ

Драматург Алп Жамолнинг юзлаб миниатюралари, қатор пьесалари «зангори экран» орқали бир неча бор томошабинларга ҳавола этилган, ҳамиша уларда мамнуният туйғуларини уйғотиб келган.

Яқинда таниқли адабиётшунос олим, профессор Ҳафиз Абдусаматов ана шундай самимийлиги билан эл кўнглидан жой олган бу ижодкорнинг асарлари ҳақида «Алп Жамол драматург» монографиясини яратди. Китобда Алп Жамолнинг Абдулла Қодирий, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад каби устозларнинг ижодий анъаналаридан фойдаланиб, ўзи ҳам комедия жанрига улкан ҳисса қўшганлиги мисоллар билан изоҳланади. Адибнинг «Ғизғизон», «Тоштешар», «Бевафо якан», «Тузоқ» каби асарлари адабиётимизда етук комедиялар қаторидан жой олганлиги таъкидланади.

Алп Жамолнинг қатор асарларида, айниқса, «Тўйдаги тутун»да орзу-ҳавас деб данғиллама тўйлар, ҳашаматли маросимлар ўтказиб, қарз туфайли тақдири фожиага айланган кишилар мисолида драматург исрофгарчиликни қоралайди.

Тадқиқотчи олим Алп Жамол асарларидаги воқеаларнинг ҳаётийлиги, адиб ўз кузатишларини бадиий тафаккур призмасидан ўтказиб, моҳирона тасвирлаганлиги ҳақида фикр юритади. Серқирра ижодкор асарларида ҳаёт ҳақиқатлари бадиий ҳақиқатга санъаткорона айлантирилганлигини ишонарли изоҳлайди.

Адабиётшунос Алп Жамолнинг ижодидаги яна бир муҳим хусусиятга катта аҳамият берган. Бу драматург асарларидаги миллийлик ва халқчилликдир. Драматургнинг бу соҳадаги маҳорати монографияда анча чуқур ва қизиқарли очилган. Алп Жамолнинг халқ ҳаётини яқиндан билиши унинг асарларига, тилига ширадорлик ва ифодалилик олиб кирган. Адиб қўллаган таъсирчан, образли мақол ва иборалар, афоризмлар, рамзий ўхшатишлар характерларнинг ички ва ташқи қиёфасини, хулқ-атворини ифодалашда ёрқин воситалар бўлганлиги таъкидланади.

Ушбу китобда булардан ташқари Алп Жамол миниатюраларининг ўзига хос хусусиятлари, уларда ҳам драмаларидаги каби характер, сюжет, конфликт, драматизм, ҳаракатларнинг қандай берилганлиги ҳақида ҳам ўқиймиз. Шулар асосида Ҳафиз Абдусамадов мазкур асарда Алп Жамолнинг моҳир драматург, миниатюралар устаси эканлигини унинг ажойиб асарлари мисолида тадқиқ қилган. Чиндан ҳам унинг миниатюралари кўп ва хўб, улар асосида яратилган телекўрсатувлар эл кўнглида муҳрланиб қолган.

Шу ўринда «Фан» нашриёти мазкур тадқиқотни чоп этиб, хайрли иш қилганлигини таъкидлаш жоиз.

**Шерали ТУРДИЕВ,**
**Филология фанлари номзоди**

*Мусаввир ва тасаввур*

# ҲАРОРАТ ЧИЗГИЛАРИ

Эмил Мансуров ранг-тасвир санъатида ўзига хос ижодий олам ярата олган мусаввирлардан бири. Енгил декоративлик, рангларни штрихлар воситасида, чизгилар ҳароратида тасаввур оламига бўйсундира олиш, ёрқин чизгилар, шуълаланишлар билан ранглар жилосида мазмун ифодалай билиш унинг ижодига хос хусусиятлардир.

Э. Мансуров барча ижодкорлар сингари кўнглига яқин, ҳаёти давомида кўпроқ муносабатда бўлган кишилар портретини яратиб, уларнинг ички дунёси, табиатидан, фаолиятидан ўзига хос бадиий ечимни иншо қилади. «Форишлик аёл», «Замондошлар», «Ашула», «Юз биринчи баҳор», «Мақом», «Маҳсум Тўра», «Онам портрети» каби тасвирларнинг қаҳрамонлари беихтиёр томошабин дилига яқин туюлади. «Мақом»да бутун салоҳияти, қалб ҳарорати билан, ўз куй оламига сингган созанданинг қалбу вужуди гўё яхлит ҳолатда жонланади, садолар қуюни ва ранглар уйғунлашади.



«Онам портрети» асари



«Мақом» асари

Портрет санъатининг мумтоз кўринишига хос белгилар баъзан жўшқин ички ҳиссиётга бой ранглар ҳарорати билан томошабин руҳиятини мувозанатидан четга чиқаргандай, психологик туйғулар домига олиб киргандай бўлади. Бу хусусият «Моҳинур» картинасида ҳам чуқур намоён бўлган.

Рассом халқ урф-одатлари, унинг ички руҳиятини теран ҳис қилади. Бу айниқса «Қизиқчи Маҳсум Тўра» портретида самимий талқин этилган. Ҳажв кучини ўта нозик пайқаганлиги, образ ички дунёсини ёрқин, лўнда, бутун борича очиб беришга эришганлиги, тасвирда шу руҳий ҳолатга мос ранглар чақинида намоён бўлган.

Эмил Мансуров чизган портретларга назар солиб мусаввирни киши руҳиятининг теран тадқиқотчиси эканлигини ҳис қиласиз. «Онам портрети», «Велибой» композициялари рассом ижодида муҳим ўрин эгаллайди. Меҳнатда қотган, бутун умрини, борлиғини авлодларга бахшида этган умумлашган она образига рассом қалб тубидаги энг соф, энг муқаддас туйғулари кўчган каби. Тасвирлар тўкин ҳароратга тўлади, ранглар мавжланади, бу айниқса фонга берилган ранглар ҳароратида намоён бўлади. Гулдор кўйлак ва рўмол, онанинг нуроний чеҳраси, ҳасса ушлаган қўллар мусаввир қалбидаги ҳиссиётлар вулқонини гўё меъёрига олиб келгандай, бироз жиловлангандай бўлади, тасвирга соддалик, самимийлик бахш этади.

Мусаввирнинг турфа портретларида рассомнинг шу кунда кишилар дунёқарашида, ички руҳиятида кечаётган янгиланишлар, руҳий силжишлар, маънавий ўзгаришлар ўз ифодасини топган.

**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Санъатшунослик илмий тадқиқот институти бўлим мудири**

# БАЙРАМЛАР КЎПАЙИБ КЕТДИ-ЁВ!

Олти кунлик иш ҳафтаси даврида байрам кунларининг аҳамияти зўр эди. Эндиликда беш кунлик иш ҳафтасига ўтилгач, мавжуд байрамлар кўплик қиляпти. Ахир ҳар ҳафтада муттасил икки кундан дам олиб турибмиз-ку. Нақд байрам бўлмай нима бу? Айниқса ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кўпроқ ишламоғимиз тақозо этилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мавжуд байрамлар қаторига яна олти йирик байрам кунлари (21 март — Наврўз, 1 сентябр — Мустақиллик куни, 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни) қўшилди.

Шундай қилиб, бюджет ҳисобидан маош олиб ишлайдиган киши ҳафтасига икки кундан 104 кун + байрамлар 9 кун + таътил 30 кун қўшилиб, йилига жами 143 кун — йилнинг қарийб ярми ҳордиқ — дам олиш кунларига чиқмоқда.

Эллик йилдан ошдики, 9 майни Ғалаба куни деб, кейин эса Хотира ва Қадрлаш куни деб байрам қилиб келдик — шу куни ишламадик — етар!

Аёллар бўлса аллақачон ҳамма жиҳатлардан эркаклар билан теппа-тенг ҳуқуқли бўлиб кетганлар. Шу боисдан ҳам улар учун дам олинадиган алоҳида байрам кунига аллақачон сира-сира эҳтиёж қолмади. Ўтган асрнинг 50-йилларигача эса 1 январ ҳам иш куни эди.

Шундай бўлгач, байрамларни бағоят ихчамлаштирмоқ — собиқ иттифоқ давридан қолган байрам кунлари — 1 январ, 8 март, 9 майни, шунингдек бизнинг 21 март, 1 сентябр, 1 октябр ва 8 декабр байрам кунларимизни иш кунларига айлантирмоқ керак. Рамазон ҳайити билан Қурбон ҳайитигина (дам олинадиган) байрам кунлари бўлиб қолаверади.

Иш куни қилиб олинган бўлса-да, ҳар қандай байрамни ҳам жуда-жуда чиройли қилиб нишонласа бўлади. Мисол учун ҳар йили 27 июнь — Матбуот

*Кутилмаган хат*

ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни ниҳоятда чиройли, рисоладагидек байрам қилиб ўтказилиб келмоқда.

Бот-бот байрам бўлиб иш тўхтатиб турилса байрамнинг қадри, файзи, таровати сусаяди, одамзотнинг биоритмига ҳам ҳалал етади. Ишлар ўзи «Кунора жума, ҳафтада ҳайит»га яқинлашиб қолди. Ўзи бизнинг Ўзбекистонда ҳордиқ куни қадим анъанага кўра жума куни бўлиши даркор (Исроил давлати ҳам ўзининг анъанавий «шанба»сида қолган-ку). Урушдан аввал шундай эди. 1941 йилнинг июнида уруш бошлангач, «Марказ билан оператив алоқада бўлиб турмоқ» важи билан ҳордиқ куни жумадан якшанбага кўчирилди. Шу-шу мавжуд анъана «унутиб юборилди».

Жума — ҳордиқ кунининг каттагина иқтисодий нафи ҳам бор: Ўзбекистон ҳам қўшилган Марказий Осиё туташ энергетика системасининг шанба, якшанбада дам олувчи регионларида «бўшаб қолган» энергияни бемалол олиб туришимиз ҳам мумкин бўлади...

Республикамиз жаҳоннинг пешқадам бадавлат мамлакатлари қаторига чиқиб олгач, эҳтиёж туғилса яна баъзи байрам кунларини тиклаш мумкин бўлар.

Кези келиб қолди, айтайлик: барча томошахоналар, ресторанлар, дискотекалар кечаси соат 12 гача ишласа етарли деб ўйлаймиз. Телевидение ҳам кечаси соат 12 гача ишлагани мақул. (Аввал бошда ахир шундай эди-ку!) Боз устига Дания, Исландия каби баъзи давлатлардан ўрнак оладиган бўлсак, телевидение ҳордиқ куни ишламасину у ҳам дам олсин. Шундай қилинса телекўрсатувларнинг сифати ҳам ошарди, киши кечаси мириқиб ухлаб олиб, эртанги фаолиятига шай бўлиб ўрнидан турарди.

**Шарофиддин КЎНЧИ,**
**Абдулла МАВЛОНИЙ,**
**Тошкент давлат техника университетининг доценти**

**«МТ» ТАҲРИРИЯТИДАН:**

## БАЙРАМ АЙБДОР ЭМАС!

***Бу ерда ҳурматли муаллифларимиз баён қилаётган фикрларга қўшилиш қийин. Жуда кўп кишилар қўшилмайдилар ҳам. Шундай экан, уни газета саҳифаларига чиқармаслик ҳам мумкин эди.***

***Ахир меҳнаткаш одамнинг олти ҳафталик иш кунидан беш ҳафталик иш кунига муяссар бўлгани – бу катта муваффақият, қолаверса, ғалаба эди. Инсоният илм-техника янгиликлари, инқилоблари туфайли юксак меҳнат унумдорлигига эришиб, иш соатларини қисқартиришга эришди, ўз маънавий-маърифий камолотини тинимсиз ошириб бориш имкониятига эга бўлди.***

***Меҳнатга қул бўлиш, қулларча тонг қоронғусидан шом қоронғусигача қора терга ботиб ишлашдан қутулди.***

***6–7 кунда қилинадиган иш натижасига 5 кунда бемалол эришадиган бўлди. Дунё меҳнаткашлари ўз касаба уюшмалари билан биргаликда беш кунлик иш ҳафтаси учун қанчалар кураш олиб бордилар. Бунга инсон озодлиги, озод меҳнат, фаровон ҳаётнинг ажралмас бир хусусияти деб қарадилар.***

***Муаллифларимизга йилнинг қарийб ярми дам олиш куни – байрамга чиқиб кетаётгандек туюлади. «Бозор иқтисоди шароитида кўпроқ ишламоғимиз тақозо этилади», деб фикрларини асосламоқчи бўлишади улар. Бу олижаноб фикр ва у миллат ҳаёти фаровонлиги учун қайғуришдан туғилади. Гарчи шундай бўлса-да, аслида гап байрамларнинг кўплиги ёки иш соатларининг қисқалигида эмас.***

***Байрамларни ҳар бирининг халқ, мамлакат, давлат ҳаёти, тарихи, тақдирида жуда катта ўрни бор, маъноси бор, вазифаси бор, демак улуғ қиммати бор. Шу билан бирга «вақтинг кетди – нақдинг кетди», деган ҳикмат ҳам ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.***

***Ҳамма гап иш вақтимиздан ва умуман, бизга табиат томонидан ажратилган бебаҳо вақтдан қандай фойдаланишимизда, вақтимизни қандай ва нимага сарф қилишимизда, умр соатларидан нима самаралар ундиришимизда. Одамлар бор: саккиз соатда саккиз йиллик ишни қилиб қўйишади. Одамлар бор: саксон йилда саккиз соатлик иш қилмаган. Ажратилган саккиз соатлик иш кунимизда биз қандай унумдорликка эришяпмиз? Қандай натижаларни қўлга киритяпмиз? Иш соатларида ўз фаровонлигимиз, жамият фаровонлиги учун нималар қила олдик? Соғлом, оқил, рационал фикрли кишилар буларни дақиқама-дақиқа ҳисоблайдилар. Иш соатлари, кунларини рационал асосга қурадилар. Вақтни бой бермайдилар, совурмайдилар. Шунинг учун гап юксак маданий, ижтимоий, маърифий қимматга эга миллий байрамларимизни қисқартириш ҳақида эмас, инсонга берилган вақт бойлигидан қандай оқилона фойдаланиш устида борса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари байрамлар умумхалқ даражасидаги, давлат ва халқ аҳамиятига молик тарихий ҳодисалар. Уларни бир ёки бир неча киши ёки гуруҳнинг фикри билан эмас, балки умумхалқ фикри билан байрам қилинади.***

***Бизнинг байрамларимиз яхши ҳаётнинг нишонаси. Яхши меҳнат қилганга ҳамиша яхши байрам қилмоқ муносиб!***

# НЕГА ҚАЙТИБ КЕТАЯПСИЗ?

«МТ»нинг шу йил 25 октябр сонида чоп этилган Адолат Тилашованинг «Менинг пулим кимники?» сарлавҳали мақоласи контрактли ўқитиш муаммоси ҳақида мени кўпдан бери ўйлаб келаётган мулоҳазаларимни қоғозга туширишга ундади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг олий мақсади таълим-тарбия сифатини тубдан яхшилаш, рақобатбардош мутахассис-кадрлар тайёрлаш, баркамол инсон шахсини шакллантиришдир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, рақобатли муҳитнинг яратилиши иқтисодий ривожланишнинг зарур шартидир. Бироқ Ўзбекистон шароитида, халқимиз маънавиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган, мулкдорлар синфи ҳали шаклланмаган, аҳолининг кўпчилик қисми иқтисодий қийинчиликда ҳаёт кечираётган мамлакатда ўқитишнинг пулли — контракт шаклининг жорий этилиши кишилар турмуш тарзидаги бу қийинчиликларни янада мураккаблаштириб юборди. Гап шундаки, аввало ўқитишнинг пулли шаклини жорий этиш аграр мамлакатда ижобий самара бериши эҳтимолдан узоқдир. **Ҳатто Америка Қўшма Штатларида ҳам ота-онанинг йиллик даромади 10 минг долларга етмайдиган оилаларнинг фарзандлари давлат томонидан бепул ўқитилади. Ёки Финландияда ўқитиш тўлалигича давлат ҳисобидан бепул ташкил этилганлиги ҳам ўқитишнинг контрактли шакли бозор муносабатларига ўтишнинг зарур шарти эмаслигидан далолат беради.**

Контракт асосида ўқитишнинг жорий этилиши билан таълим-тарбия ишимизнинг сифати, талабаларнинг ўқишга бўлган муносабати яхшиланиб қолмаяпти, балки аксинча бўлмоқда. Бунинг қатор сабаблари бор, албатта. Аввало контрактга аранг илинган талабаларнинг аксарияти контракт пулини тўлай олмаслигидан ўз ихтиёри билан ўқишдан воз кечади. Кўполроқ қилиб айтганда, билим даражаси эмас, тўлов шарти уни талабалар сафидан чиқаради. Натижада контрактчи-талабалар сонини кўпайтириш учун пулдор қатламнинг улардан паст балл тўплаган фарзандларини ўқишга қабул қилиш ўқув йилининг ярмигача, яъни январгача давом этаверади.

Олий ўқув юртининг раҳбарияти профессор-ўқитувчилардан контрактчи-талабаларга нисбатан қаттиққўл бўлмасликни талаб қила бошлайди: нима бўлса ҳам улар ўқишдан кетмасликлари зарур.

Аслида илм-фан давлат тасарруфидаги мулк эмасдир. Агар давлат ўзига тегишли бўлмаган ўқитувчи-олимнинг илмини (интеллектуал мулкини) контрактчи-талабага сотиш учун воситачилик қилар экан, давлатнинг ўқитувчи ҳақида ғамхўрлик қилиши зарурлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Демократик, инсонпарвар давлат учун энг муҳими ўзини таълим-тарбия сарф-харажатларидан озод қилиш ва ўқитувчи билан контрактчи талаба ўртасидаги пул муносабатларига воситачилик қилиш эмас, балки халқнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, маънавий тараққиёт орқали ижтимоий ривожланишни таъминлашдир.

Бундай муаммолар, биз етиштираётган кадрларнинг малакасизлиги, охир-оқибатда омманинг билимсизлиги, маънавий қашшоқликка олиб келувчи биз яратаётган реал манба бўлиб қолаверади. Бундан зарар кўрувчи, тараққиётдан манфаатдор бўлган давлат таълим-тарбия тизимини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, буни ўз зиммасига олиши зарурдир. Халқимизда «пул аччиғи — жон аччиғи» деган гап бор. Оғир шароитда не-не уқубатлар билан давлат таълим муассасасидан илмни ўз пулига сотиб олаётган талаба қалбидаги оғриниш, тўлов жараёнидаги қийинчиликлар заҳми ундаги барча эзгу ҳисларни сиқиб чиқара бошлайди, ҳамма нарсани пул билан ўлчаш, баҳолаш мумкин, деган ўта зарарли фикр шаклланади.

2001 йил сентябридан бошлаб эса тўловни стипендияли тарзда амалга ошириш мажбурий қилиб қўйилгани контрактчилар аҳволини янада оғирлаштиргани кузатилади. Бунинг устига А.Тилашова мақоласида айтилганидек, қолдиқ маблағлар қайтарилмаётгани бор гап экан, бир сўз билан айтганда, **контрактчилардан ҳол-аҳвол сўраш жамият ва давлатимизнинг ҳам долзарб иши, бурчидир, десак янглишмаймиз.**

Бир кишининг ойлик маоши билан муқояса қилиб бўлмайдиган контракт пули тирикчилик ташвишидаги оддий оила учун, эл таъбири билан айтганда, дард устига чипқон каби бўлса, стипендияни тўлаш шартини чипқоннинг болалагани дейиш мумкиндир балки. Бу йил ўқишга кирган контрактчиларнинг кўпчилиги олий даргоҳдан қайтиб кетганига афсусланасан киши, бу бўлажак етук мутахассисларни йўқотишдир. Қолаверса, энг билимдон, иқтидорли шахслар кўпинча оддий оиладан чиқишини тарихдан ҳам кузатиш мумкин.

*Акс садо*

Нодавлат хусусий таълим муассасалари шаклланмаган бизнинг шароитда контрактчи-талабада ўқув муассасасини танлаш (маҳсулотни танлаш каби) имконияти йўқлигидан ҳозирча биз контракт асосида ўқитиш амалиётидан воз кечишимиз ҳаётий зaруриятдир. Чунки давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида рақобатли муҳит вужудга келсагина контракт асосида ўқитишдан бирон-бир ижобий натижани кутиш мумкин бўлади.

**Қодиркул РЎЗМАТЗОДА,**
**доцент**

*Хотира ўчмасдир, хотира мангу!*

# АШУРОВЛАР НЕГА ҚАМАЛДИ?..

Одатда эртаклар шу сўз билан бошланади: «Бир бор экан, бир йўқ экан...» Лекин мен ҳикоя қилмоққа чоғланган воқеалар эртак эмас собиқ совет замонида диёримизда оталаримиз-боболаримиз бошидан ўтган кечмишлар... Ҳа, шундай... Бундан ярим асрдан зиёд илгари, Занги ота томонда беш оға-ини бўлган экан. Уларнинг бутун авлод-аждоди неча-неча замонлардан буёғига сувга сероб, серҳосил бу юртни макон тутиб, кучларини ерга бериб, заминдан ризқ териб ва куч олиб омонликда, эл қатори умргузаронлик қилишаркан. Бу оға-инилар кучлари етганда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб – бир ёқадан бош чиқариб, кучлари етмаганда ҳам қишлоқ, ҳамгузар, ҳаммаҳалла ошна-оғайнилар ҳашарга чоғланиб – «Битмас ишнинг бошига – ботир келар қошига» деганлари йўсин иш юритишар экан...

Бу беш оға-ининнинг каттасининг исми Ҳошим, Соип ва яна Қосим экан. Беш оғайни ботирлар дейишса, айтишларича, Занги ота атрофида Сартепа Қора тепадан ва ундан ўтиб Янгийўлгача етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма танир экан. Ўғил кўрганки бор, фарзандининг шу оға-иниларга ўхшашини яратгандан тиларкан. Бир-бири билан уч-тўрт ёшда юз кўришган бу оға-иниларнинг меҳнатсеварлиги кетмон билан ер суриб, ердан ризқ териб рўзғорини бутлаб яшашига ёшу қари ҳавас қиларкан.

Лекин нима бўлибдию кунларнинг бирида – бу пайтга келиб пайғамбар ёшига етган, каттаю кичик Ҳошим ота деб эъзозлаган оқсоқолни 1941 йилнинг нақ узум пишиғида – шу чоққача бу теварак-атрофда ҳеч кимнинг қулоғи эшитмаган не ердаги айб тақаб ҳибсга олибдилар.

Эмиш, алифни калтак дея олмаган, олтмиш уч ёшга етгунича ҳам савод чиқаролмаган ризқини кетмон кўтариб топган Ҳошим Ашуров шўроларга қарши бош кўтариб, Ўзбекистонни шўродан ажратиб олмоқчи бўлибди эмиш.

– Астағфурулло! – дея ёқа ушлашарди кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бу айбларни эшитган қишлоқ аҳли.

Наинки Ҳошим Ашуровнинг уруғ-аймоғи, ҳаттоки ўша замонларда «агроном» деб номланган колхоз меҳнат аҳли анг-танг бўлиб қолибди...

Осмон узоқ, ер қаттиқ – қайга боришни, кимга бош уришни, кимдан мадад топишни ҳеч ким билмабди. «Ундай қилсанг, бундай бўлади» – деб йўл-йўриқ кўрсатгувчи бўлмабди. – Ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолаверибди.

Орадан неча-неча йиллар ўтиб – ярим асрдан ортиқ вақт ўтиб, икки мингинчи йиллар келганда, ўшандаям мустақилликка эришганимиз туфайли «халқ душмани» деган тавқи лаънатга дучор этилганлар оқлана бошлаган пайтга келиб, оға-ини Ашуровлар ишини ўрганувчилар майдонга чиқибди. Шунда маълум бўлишича, Ҳошим Ашуров терговда ўзига тақалган айбларни сира-сира тан олмабди экан.

Лекин «Бало қазо тоқ юрмайди» дейишгани рост экан. Бу кўргиликлар ҳам ҳолва бўлиб қолибди ўшанда. Орадан уч ой ўтмасдан – 1941 йилнинг октябр ойига бориб Ҳошим Ашуровнинг инилари Қосим ва Соип Ашуровлар ҳам ҳибсга олинибди. – Ҳеч кимнинг бошига солмасин бу кунни, солганга эса Оллоҳнинг ўзи тўзим берсин, – дейди бу бахти қароликдан хабар топган ҳамсоялар, ёр-жўралар.

Ўзбекда «уруғим тошлоққа ёйилган» деганларидай бу оға-иниларнинг фарзандлари бир маҳалладан ошиб кетаркан.

Боқувчисидан айрилиб қолган хотин, бола-чақалари қон қора қақшаб қолишибди. Зеро, куни кеча бошланган урушнинг совуқ нафаси бутун юртни ўз сиртмоғига олиб, бир бурда нон анқога шафеъ бўлиб қолган экан.

Шундай оғир замонда оға-иниларни шўрога қарши ташвиқот юритишда айблашсалар-а... Ватан озодлиги учун халқ жон олиб жон бериб турганда, булар бу ёқда халқлар илдизига болта уриш билан шуғуллансалар...

Кейинчалик ҳужжатлар ўрганилганда маълум бўлишича, терговчи: «Сиз Ўзбекистон Жиноят Мажмуасининг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси билан айбланасиз...» – дея Ашуровдан айбига иқрор бўлишни талаб қилибди.

— Менга тақалаётган бу гуноҳларда ўзимни айбдор ҳисобламайман, – дея қаттиқ туриб олибди банди.

Терговчи баланд келибди: «Тергов шуни аниқладики, сиз шўрога қарши ташвиқот олиб боргансиз. Ўз хатти-ҳаракатингиз билан колхозда олиб борилаётган ишларга қаршилик кўрсатгансиз. Гуноҳингизга иқрор бўласизми?»

– Йўқ, мен айбдор эмасман. Шўрога қарши ҳеч қандай ташвиқот олиб борган эмасман. Ҳеч ерда колхоз ишига тўсқинлик қилмаганман... – деб жавоб берибди Ҳошим Ашуров.

Оға-иниларни шу йўсин тергов қилишиб айбни бўйинларига олмаганликларига қарамай Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасининг 58, 66, 67-моддалари билан айблаб Ашуров, ўн йил муддатга қамоқ жазосига ҳамда уч йил ҳуқуқдан маҳрум этишга ҳукм этилибди.

Соип Ашуров эса Ўзбекистон Жиноят Мажмуасининг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддасига кўра 10 йил қамоқ жазосига ва 3 йил ҳуқуқдан маҳрум этувга ҳукм этилган экан.

Одатда эртаклар: «муродмақсадга етибди, соқоли тўпиғига тушибди» – деган сўзлар билан адоғига етарди. Лекин уч оға-ини қонун билан белгиланган жазога тортилибди ва шу-шу бедарак кетишибди...

Бу фожиали қисматдан оға-иниларнинг тақдири нима билан якунланди, у ҳақда ҳужжатлар лом-мим дейишмайди. Ва яна ҳужжатлардаги битикларда кўрсатилган, ҳибсга олинмай қолган икки уканинг: Мамаюсуп ва Эргашнинг ҳоли не кечди?

Қамалиб кетган Ҳошим Ашуровнинг Қўчқор, Зокир, Тожибой деган фарзандлари, Соип Ашуровнинг Тўхта, Унсин, Туроб, Турсин, Гулсум деган ўғил-қизлари қандоқ умргузаронлик қилишди экан! Урушнинг оғир қаҳатчилик йиллари қандоқ яшади улар? Камалиб кетган Қосим Ашуров ҳам жўжабирдай жон эди. Хотини 48 ёшдаги саводсиз ва ҳунарсиз аёл. Ҳошимнинг беш фарзанди Тожибой, Ойжамол, Гулжамол, Йўлдош, Ҳуржамолларга ҳам ота, ҳам она бўлиш азобига дош беролдимикин?

Орадан олтмиш йил ўтибди. Бу йиллар ичида отаси жазога маҳкум этилиб кетган уч оға-инини фарзандлари ўсиб, ўзлари ота-она бўлиб кетишгани, ўзидан кўпайиб, от босмаган ерларни тойлар босгани табиий.

Бу орада бу оға-инилар яшаган заминда мустақиллик эълон қилинибди. Уч оға-ининнинг иши ҳам қайта кўрилиб ҳақиқат қарор топибди: – Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Президиумининг 1992 йил 28 феврал қарорига кўра Тошкент вилоят судининг 1941 йил 10 октябрдаги, Ўзбекистон ССР Олий Судининг 1941 йил 23 октябридаги Ҳошим Ашуров, Соип Ашуров ҳамда Қосим Ашуровлар устидан чиқарилган ҳукм улар ҳаракатида жиноят бўлмаганлиги туфайли бекор қилинибди.

Адолатнинг бу зайил амалга ошиши ҳуррият туфайли бўлди. Ахир бу воқеаларнинг бўлиб ўтганидан бери олтмиш йил вақт ўтган эди. Бу вақт ичида СССР деб аталмиш мустабид давлат чок-чокидан сўкилиб, пароканда бўлиб кетган эди. СССРга зўрма-зўраки қўшиб олинган давлатлар мустақилликка эришди.

Коммунистик мафкуранинг ҳукмрон тазйиқидан қутулган мустақил давлатлар адолатли жамият сари қадамини илдамлади. Юқорида фожиали қисматини тилга олиб ўтганимиз уч оға-инилар ва улар каби азият чеккан минглаб ватандошларимиз мустақиллигимиз шарофати билан ёруғликка чиқдилар, шаънларига тиркалган тухмат балосидан қутулдилар.

Бундай жабрдийдалар қанча бўлган?

Бу саволга ҳали-ҳануз жавоб топилмаган.

Ҳужжатларнинг далолат беришича, «эртагимиз» қаҳрамонларининг ҳар бирининг тўрт-бештадан фарзанди бўлган. Орадан ўтган ярим асрдан ортиқ вақт ичида улар худо насиб этган бўлса, бола-чақали бўлиб кетганлар, албатта. Агар насиб этса, бу оға-иниларнинг зурриётлари ҳақида ҳикоя қилсак ажаб эмас.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

*Дунё адабиёти*

**ЭМИ БЛУМ**

# КУМУШ КЎЗАДАГИ ЖИЛҒА

***Эми Блум — Америка адибаси. Унинг касби психотерапевтлик. У инсон руҳий дунёсини жуда нозик идрок этади. Киши ҳаётининг ғайри фавқулодда ҳолатларига алоҳида эътибор беради. У ҳеч нарсани қораламайди, балки бизга жуда ғалати бўлиб туюладиган ҳодисаларга ҳам инсоний нуқтаи назардан, яъни бўлиши мумкин бўлган, ҳар кимнинг бошига тушиши мумкин бўлган ҳодисалар деб қарайди. Эми Блумнинг ҳикоялари кўплаб Америка мукофотларини олган. Ушбу ҳикоя эса 1992 йилда «Энг яхши Америка ҳикояси» деб баҳоланган.***

Опажонимнинг овози — кумуш кўзага тўкилаётган тоғ жилғасидай. Унинг жарангдор гўзаллиги одамга бир ажиб саринлик бахш этади ва жисмнинг оташидан, ҳатто жисмнинг ўзидан ҳам юксакроқларга олиб кетади. Опажоним ўн тўртга кирган эди, мен ўн иккида эдим, биз «Травиата»га тушардик, кейин у мени автомобиллар тўхтайдиган жойда бир чеккага тортди-да: «Эшит», деди. Опажоним оғзини ғайритабиий қилиб катта очди, ундан шундай овоз отилиб чиқдики, шаффоф ва тоза, шунда атрофдаги опера шинавандалари ўтириб моторларни юргизиш ўрнига машиналари олдида донг қотиб қолишди. Улар тин олмай тинглашиб, сўнг роса қарсак чалишди.

Мен опажоним Розани худди шундай эслаб қолганман, унинг барча психотерапевтларига ҳам худди мана шу воқеани сўйлаб берганман. Токи билиб қўйишсин менинг опажоним Роза қандайлигини ва тушуниб олишсин ҳақиқий Роза аслида ким бўлганлигини. Ахир нима деманг, сийқаси чиқиб кетган даранг-дурунг қўшиқлар, рекламаларда бериладиган мусиқий парчаларгача Пуччини ва Моцарт, лазиз ва оҳангдор черков куйлари бор эди ва улар янграганда шунчалар қудрат яшириниб ётардики, назаримда худди Исо Масиҳо хочга михланган жойидан тушиб келиб, завқ-шавқ билан чапак чалиб юборадигандек эди. Билиб қўйишсин: Роза опажоним бир қоп семириб, худди ҳомиладор хотинлардай катта кенг ҳалпиллаган кўйлак-иштон кийиб касалхона коридорларида у ёқдан-бу ёққа ҳилпираб югуриб юрадиган аҳволга тушгунча Аррандейл бошланғич мактабининг ширинтой қизчаси, Лендмарк ўрта мактабининг эса ҳаммадан ҳам ўтган гўзал маликаси эди... Балки мактабда бошқа гўзал қизлар ҳам бўлгандир, лекин мен уларни кўрмаганман. Мен учун Розадан ортиқ чиройли кимса йўқ эди, у менинг оппоқ ҳимоячим ва маслаҳатгўйим, мени «Тампакс» сир-синоатларидан бохабар қилгувчи ва онамнинг тез-тез ўзгариб турувчи кайфиятларидан огоҳ этгувчим эди.

Биринчи ишкал у ўн бешга кирганда рўй берди. Уйга у дам-бадам юм-юм йиғлаб, маюс ҳасратга ботиб, дам-бадам жимгина ял-ял яшнаб қайтарди, охири умуман уйга келмайдиган одат чиқарди. Уйимизнинг шундоқ орқа томонидан ўрмон бошланарди, бу ерда у қоронғу хуфтонгача қолиб кетар, кейин онам уни тўқайлар, тиканзорлар ичидан юлиниб-юлқиниб қидириб, кўзлари сўниб қотиб қолган, мовий свитерига хас-ҳашаклар ёпишган, оқ жинси шими лой-балчиққа булғанган опажонимни уйга етаклаб олиб келарди.

Уч ҳафта шу ҳасратда ўтди. Онамнинг касб-кори музикачи бўлиб, унинг аҳвол-руҳияси ўзгариб туриши кўпчиликка маълум эди. Отамнинг касби эса психиатр, ўзи доим ғамгин бўлиб юрадиган оққўнгил одам эди. Бир куни онам отамга қараб деди:

— Қизчамиз ақлдан озяпти.

— Бу нима, диагнозми? — Отам газета ўқишга тутинмоқчи бўлди, шу заҳоти уни бир чеккага суриб қўйиб, хўрсинди. — Кечир, қаттиқ гапириб юбордим. Мен ҳам кўриб турибман, уни нимадир тинч қўймаяпти. Сен ўзи билан гаплашдингми?

— Нимани? Дэвид, у ақлдан озяпти. Унга онажониси билан гаплашиб ўтириш эмас, клиника керак.

Икковлари яна аллақанча вақт тортишиб ўтиришди, кейин отам бир неча соат Роза билан суҳбатлашишга уринди. Роза эса дам-бадам қўлининг билагидан юқорироқ қисмини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ялар эди. Онам эса даҳлизда туриб кўзи оқариб ранги қув ўчганча уларга қараб-қараб қўярди. У опажонимнинг нарсаларини йиғиштириб тахт қилиб қўйди. Отамнинг учта ҳамкасабаси дўстона текин маслаҳат бергани кириб келишди. Бу пайтда онам аллақачон Розанинг чамадонини жойлаб машинада кутиб ўтирарди. У мени қучоқлаб кеч киргунча Розани ташлаб қайтиб келишини айтди. У менинг нимадан қаттиқ қўрқиб, хавфсираб турганлигимни сезиб таскин берди:

— Бу савдо сенинг бошингга тушмайди, қўрқма. Бир хил одамлар ақлдан озади, бошқаларга жин ҳам урмайди. Сенга бу хавф йўқ. — У мийиғида жилмайди, сочларимни силаб қўйди: — Ўзинг хоҳлаганингда ҳам бундай бўлмайсан.

Роза кейинги ўн йилни катта ва кичик турли касалхоналарда ўтказди. Уни бир талай тасқара психотерапевтлар муолажа қилишди, уларнинг ичида тузуклари ҳам йўқ эмасди. Касалхоналардан бирининг на деразалари ва на деворларга осилган суратлари бор эди, беморлар эса оёқларига касалхона тамғаси босилган шиппакларини кийишиб тентираб юришарди. Онам ҳатто қабулхонага ҳам кириб ўтирмади. У Розани орқасига бурди-да, шаҳд билан эшикка қараб юрди, отам ҳамкасбларидан узр сўраб онамнинг орқасидан жўнади. Онам психиатрлар, ижтимоий ходимлар ва ҳамширалар ни жини суймасди. Беморлар учун эса нима тўғри келса шунда Гендел ҳамда Бесси Смит асарларини ўйнарди. Айрим касалхоналарда беморларнинг миннатдор ёхуд умидвор қавму қариндошлари томонидан ҳадя қилинган «Стейнвей»лар турарди; бошқаларида чамаси юз йилдан буён созланмаган пианинолар бўларди, бу ерларда мусиқа асбоблари чалиниб туриши кераклигини аллақачонлар эсдан чиқариб юборишган эди. Онам бундай ҳолларда ўша созланмаган чолғуларда «Ҳей, шўр балиқ ва пиводан келтир!»ни гумбурлатиб чалиб берарди. Отам касалхона бошлиқлари ва бўлим мудирларига ҳурмат-эътибор билан муомала қилар, даволовчи врачларга эса ошна-оғайни бўлишга уринарди. Лекин барибир оилавий психотерапевтларни ҳаммамиз ёмон кўрардик.



Федерико Гарсиа Лорка: «Ўтирган испан аёли»

Бу йиллар ичида биз дуч келган энг баттаринларидан бирови деворлари кўкимтир бўялган хонада ўтирарди. У синовчан бир қарашдаёқ онамнинг беқиёс малоҳати, ранги ўчиб кетган футболкаси, қизчалар киядиган тор жинси шими, отамнинг ғижимланган костюми ва доғ-дуғ босган кир бўйинбоғи ва ниҳоят эндигина ўн еттига қадам қўйган мен қийиқ қизалоққинанинг кимлигимизни билиб олди. Роза ўша йили мода-подага қараб ўтирмасди: у улкан чалвор ва бениҳоя кенг «ўйин тушадиган» содда кўйлак кийган эди. У бамисоли бахмал айиққа ўхшарди. Биз индамайгина ўтирар, доктор Уокер эса касаллик тарихини кўздан кечирарди. Роза куйиккандай бўлиб ув тортиб, ўз кўкракларини жон жаҳди билан уқалай бошлагач, доктор бизга хавфсираб қўрқа-пуса қараб қўйди. Онам иккимиз кулиб юбордик. Ҳатто отам ҳам кулиб қўйди. Роза янги врачлар билан кўпинча шу усулда танишиб оларди.

— Қизиқ, нега бутун хонадон жам бўлиб Розанинг уятсиз қилиғидан хурсанд бўляпти? — деб қўйди доктор Уокер.

Роза қаттиқ товуш чиқариб кекирди. Биз яна кулдик. Бу бизнинг еттинчи оилавий психотерапевтимиз эди. Уларнинг ҳеч бири узоқ чидаш бермасди. Бахтга қарши доктор Уокер бизга яхшилаб панд-насиҳат ўқимоқчи бўлди.

— Қани, Вайолет, сен нима дейсан Розанинг бу қилиғига?

Улар мана шунақа нарсаларни яхши кўришади. Қўлланмаларида ёзилган бўлса керак-да агар беморнинг ота-онаси муомалага ярамаса, унинг синглиси билан гаплашиб кўринг деб.

— Билмадим. Балки бу гапларни унинг ўзидан сўрашингизни хоҳлаётгандир?

— Маъқул гап, — деди онам.

Отам бош ирғади:

— Балосан-ку а.

— Қуйруқ бўлса ҳам, тийрак, — унга қўшилди Роза.

— Масала равшан, ҳаммаларингиз бир фикрда экансизлар, — деди ниҳоят доктор Уокер ўзини ҳамма нарсани тушунган ва билгандай кўрсатиб.

— Хой, сассиқ кузан, сен ўзинг нима деб валдираяпсан-а? — Жаҳли чиққанда Розанинг фикри очиларди. Доктор чиндан ҳам кулранг кузанга ўхшаб кетарди. Биз кулиб юбордик. Ҳатто отам ҳам ўзини тутолмади, ҳолбуки, у доим ҳамкасбларини риоя қилиб, уларнинг ишларига аралашмаслик пайида бўларди.

Ўн беш дақиқа деганда доктор Уокер қабулни тўхтатди ва ташқарига чиқиб кетди. Биз димоғимиз чоғ бўлиб бир-биримизга қарадик. Розага ҳеч нарса бўлгани йўқ, биз эса жиндак хурсандчилик қилиб олдик.

Розанинг энг яхши психотерапевти билан танишган кунимиз ҳам мана шундай омадсиз бошланди. Биз врачлик амалиётини ўтаётган қизни ёмон қўрқитиб юбордик, унинг домласи нима қилишини билмай шошилиб қолди, кейин у бизни доктор Торнга дучор қилди. Доктор Торн Техасчасига айтганда, вазни юз ўттиз килодан ҳам ортиқроқ одам бўлиб, бу бесўнақай гавда ичига аллақанча жўхоридан бўлган патир, унинг устидан бир дунё «чили» деб аталган қайла, «Якка юлдуз» деб номланган бир неча тос пиво бемалол жойлашган эди ва буларнинг ҳаммаси устига у оёғига баланд пошнали ковбойча ботинка кийган, бўйнига ингичка тўқима галстук илган, бўйни қаердалигини эса сира билиб бўлмасди.

— Хўб ажойиб кун бўлдими! — Бахтиёрлиги ошиб-тошиб кетган Роза дарҳол кўкракларини уқалашни бас қилди. — Ана сизга жинни! Жиннишонинг худди ўзи!

— Салом, кичкинтой жиннихон? — Менинг опажонимни кичкинтой деган докторнинг қандайлигини энди ўзингиз тасаввур қилаверинг. У дарҳол бизга ҳам лақаб тўқиб ташлади: — Сиз оққўнгил доктор Айбожинни бўласиз, манов хоним эса Чақмоқтош жинни бўладилар, қани унга кучингиз етса, ёриб кўринг-чи; анави комбинзончада ўтирган ойимча эса жин урмаган Бўғирсоқ, комбинзони тагида ҳали ҳеч нарсаси йўқ, шундоқ думалаб кетаверади, ҳеч кимга тутқич бермайди.

У менинг ёлғизлигимни ҳам, сопа-соғ эканлигимни ҳам, менга ҳеч қачон жин урмаслигини ҳам дарров билиб олди. Худди ҳар биримизнинг ичимизга қарагандай бўлди. Биз дарҳол ўзимизни бемалол сездик.

Омадимиз чопиб доктор Торнга дуч келган эканмиз. Розани кўп ўтмай тиклаш марказига ўтказишди. Марказнинг бошлиғи Бош жиннини шунчалар яхши кўрар эканки, Розанинг барча қилиқ, қилғиликларига чидар, улардан кўз юмарди. Опажоним ишқ-муҳаббат деса бу пайтлар ўзини томдан ташларди. Роза иситма алаҳлаш ичида ишқий ишларга берилиб, уни ўз ҳоли-жонига қўймайдиган ичидан келаётган овозларни босишга уринарди.

Бош Жинни қатъий қилиб деди:

— Йўқ, дугонажон, мен бу ишни қилолмайман. Дунёдаги барча гўзал хотинлар билан ишқий ўйинларни ўйнолмайман, сени севиб ва бунинг устига яна сенинг врачинг бўлолмайман. Мени кечир. Сен ўзингга муносиб яхши бир йигитни топарсан, у сени эр‿лаб, асраб, авайлаб юради. Сенга ошно бўлиш бахтига муяссар бўлсам, биласанми, мен қандай ошиқ бўлардим, чуриллатиб юборар эдим. Менга ўхшаганини топ.

Роза шундан кейин бангилар, ичкиликбозлар ва шунга ўхшаш бошқа касалхона телба-тескариларини бағрига тортишни бас қилди. Биз ҳаммамиз доктор Торнни яхши кўриб қолдик.

Отам яна мияси айниган давлатмандларни даволашга киришди, у ҳафтасига бир маротаба доктор Торннинг касалхонасида пулсиз касалларга қарарди. Онам Моцарт концертларини лаппакка ёзиб тугатди, у Роза даволанаётган ерда концертлар берди. Мен коллежга ўқишга қайтдим, техаслик бейсболчи йигит билан яхши ўртоқ бўлиб олдим. Кечалари унга мени ўз «дугонаси» деб қарашга рухсат бердим. Роза дориларни канда қилмай ичиб турар, тез орада у эллик килога озди ва касалхонадан унча олис бўлмаган инжилчилар черковида диний қўшиқлар айта бошлади.

Руҳонийлар бошида кулгили либослар кийиб олган, бир қанор бўлиб семирган оппоқ бу қизга қандай муомала қилишларини билмай туришди. Бу қиз мусиқа машқлари пайтида черков остонасида туриб, кўзларини кўкка тикиб орзуларга ғарқ бўлиб тебранар, кейин у «Малики Муқтадир» қўшиғидан бир неча оҳангларни айтган эди, дирижёр дарҳол тушунди: бу қизга худо овоз берган! Сўлим Розахон туфайли унинг «Умид ва умтилишлар хори» инжил олимпиадасида албатта соврин олажак.

Хор денгизидаги хуморанг, оқпар, қорамағиз чеҳралар ичида Розанинг ойдай оппоқ юзи балқиб, қаймоқдай чалқиб турар, юзини икки томондан оқиш-сарғиш майин-ипор жамалаклари чулғаган, тикилиб қараган кишига иккита оппоқ аёл битта бўлиб турганга ўхшаб кўринарди. Розанинг кумуш қўнғироқдек жарангдор овози Адди Робишонинг қуюқ қаймоқдек овозига қўшилиб ипакдек нозик ва ўта чийралган, пишиқ тўрларга чулғангандек туюларди. Юзимиздан дув-дув кўзёшларимиз оқарди, тўлқин-тўлқин бўлиб қуйига ёйилган оловдай товланган узун қорамтир қизил кўйлак кийган Роза билан Адди бир-бирларини қучоқлаб тебранишар ва фариштадай овозлари билан худога илтижо қилишарди. Само юксакликларида охирги оҳанглар сингиб тўхтаганда улар баланд қўшиқ қўшкидан туриб бизга қарашар ва ширин табассум қилишарди.

Роза вақт-бевақт яна қуюшқондан чиқиб кетар, ичидан тўхтовсиз келаётган шовқин-сурон уни турли бемаъни қилиқлар қилишга ундар, лекин доктор Торн, Адди ёки онам бундай тутқаноқ ҳолатларида уни эплаб олишарди. Беш йил шундай алфозда ўтди. Кейин Бош Жинни ўлди. Устига «Чили» деган ўткир қайла солинган балиқни ютолмади, айни июлнинг иссиқлари авжга чиққанда хонада ҳаво етишмай нафас ололмай қулади. Техасчасига катта қон қуюлиб у ҳаётдан кўз юмди.

Роза бир ҳафта ўзини қўлга олиб чидади, мунтазам дори-дармонларини ичиб турди, хор айтишувларига қатнади, ўз ётоқхонасидаги нарсаларини юз марта у ёқдан олиб бу ёққа қўйди. Руҳий беморлар докторни кўмиш маросимига бамисоли тавоф учун йиғилиб келдилар. Эси оғганлар, асабиятга дучор бўлганлар, савдойилар, дунё билан иши-ҳуши юришмаганларнинг бари доктор Торн билан албатта видолашишни истардилар. Кўплари психотроп дорилар ичиб черков ўриндиқларида худди ҳозир қулаб кетадигандек титраб-қақшаб ушлашиб, инграшар, йиғлашар, ўз-ўзлари билан тинмай гуфтугў қилишарди. Эси оғганлар худди янги туғилган кучук болалардай бўлиб бир-бирларига туртинишар, суртинишарди.

Роза дориларини ичмай қўйди, беморлардан бирини касалхона пиллапоясидан пастга ирғитиб юборди, шундан кейин уни беморхонада сақлашни рад этишди. Отам суғурта компаниясига мурожаат қилди. У ерда янги психиатрия суғуртасини бир ярим ойдан кейингина беришлари мумкинлигини маълум қилишди. Розанинг ҳамма нарсаларини пластик қопга солдим, уни уйга қайтариб олиб кетдик. Беморхона дарвозаси олдида ётағонда оғзидан сўлаклари оқиб бир бола ётарди. Роза у билан кўзини қисиб хайрлашди.

— Оғир синов олдимизда турибди... Бу бутун оиламиз бошига тушган синов. Қирқ беш кунни қандай ўтказишни яхшилаб ўйлаб олишимиз керак. Мисол учун менинг хавотир оладиган ерларим бор... — Шундай деб отам оилавий кенгашимизни бошлади. Бу пайтда Роза ўзининг ўттизта барқут айиқчаларини жой-жойига жойлаб бўлган эди.

— Ҳеч қандай дори ичмайман, — деди Роза ерга кўзини тикиб. Унинг йўғон калта бармоқлари қанордай кенг кўйлагининг этакларини тинмай пайпасларди. Илгарилар шу бармоқлари билан менинг жамалакларимни ўриб қўяр, ёноқларимга лолачаларнинг расмини чизарди. Отам ўртаниб онамга қаради.

— Розажон, янги машинани ҳайдашни истайсанми? — сўради онам.

Розанинг юзи ял-ял яшнаб кетди.

— Истайман! Мен Калифорнияга Сан-Диего ҳайвонот боғидаги айиқларни кўргани бораман. Мен сени ҳам бирга олиб борган бўлардим. Вайолет. Лекин ҳайвонот боғларига боришга сенинг тоқатинг йўқ. Ойижон, эсингиздами, Бронксда у ҳайвонлар кечқурун уйларига кетмас экан деб йиғлаб берган эди? — Роза нам тортган

Давоми 4-бетда

Боши 3-бетда

кафти билан қўлимни қисиб қўйди. — Вайки, шўрликкинам-ей!

— Агар дориларингни ичиб турсанг, бироз вақтдан сўнг машинани ҳам ўзинг ҳайдай оласан, келишдикми. Дори ичасан — эвазига машина ҳайдайсан. — Онам жуда осуда сўйларди. У Розанинг ўзини йўқотиб қўйишидан қўрқарди.

— Қўлингни бер, дугонам! — гапга кўнди Роза.

Мен у пайтларда уйдан бир соатда етиб бориладиган ерда турардим, кундузи инглиз тилидан келди, буларни эшик орқасида қолдиришга у зўр-базўр кўнди. Онам мени ўпиб қўйди ва Розага иштонингни алмаштириб ол, деди.

Розанинг кўзлари ола-кула бўлди.

— Алмаштирмайман! Ҳечам алмаштир... — Роза ўзини ерга тиззалаб ташлади-да, ошхонанинг полига бошини ура бошлади, ҳар бор урганда бунга бутун гавдасининг залворини ташларди. Онам унинг белидан ушлаб тўхтатишга уринди, лекин Роза уни куч билан силтаб ташлади. Онам бир четга учиб кетди ва боши билан музлатгичга бориб урилди.

— Вайолет, бир нарса қил ўзинг...

— Ухлаяпти.

Биз чигирткалар сайрашини эшитиш учун айвонга чиқдик. Оқшомнинг қолган қисми ғира-шира эсимда. Ҳавога ёйилган осуда маюслик ва хотирамда сақланиб қолган ноёб бир манзарани эслайман: ота-онам бир-бирларининг қўлларини ушлаб ботаётган қуёшга қараб ўтиришарди.

Кечаси соат учларда мен юпқа чойшаб остида совқотиб уйғондим. Иссиқ адёл қидириб мен негадир Розанинг хонасига қарадим. Роза у ерда йўқ эди. Мен жинси ва свитеримни кийиб пастга тушдим, сездимки, у пастда ҳам йўқ эди. Ташқарига чиқдим. Розанинг шабнам тушган ўт-ўлан устида қолган қадам излари ўрмон томонга қараб кетган эди.

— Роза, деб астагина чақирдим ота-онамни уйғотиб, опажонимни чўчитиб юбормаслик учун. — Розажон, қайдасан?

Кутилмаганда унга туртиниб кетишимга оз қолди. Кенг кўйлакда ой нурида оппоқ тутундай бўлиб, иштонлари тамом ивиган ҳолда ётарди. У бошини

ЭМИ БЛУМ

# КУМУШ КЎЗАДАГИ ЖИЛҒА



дарс бериб, кечаси шеърлар ёзардим. Икки-уч кунда уйга келиб ота-онам билан овқатланардим. Ҳар куни қўнғироқ қилиб ҳол-аҳвол сўраб турардим.

Отам телефон қулоғини кафти билан беркитиб жавоб берарди:

— Жуда оғир бўляпти. Лекин менимча эплаяпмиз. Роза онанг билан эрталаб айланишади. Кейин Роза узоқ ўтириб телевизор кўради. Кундузги стационарга боришга кўнмаяпти. Хордан ҳам кўнгли қолган. Бир-икки марта дугонаси Робишо келиб кетди. Жуда дилбар аёл. Роза у билан гаплашгиси ҳам келмади. Деворга юзини ўгириб хиргойи қилиб ўтирди. Очиғини айтсам, ишлар унчалик яхши эмас, лекин яна қайдам, эплармиз дейман. Кечир, болажоним, сени хафа қилиб қўймай.

Онам шаҳдам жавоб берарди:

— Ишларимиз аъло. Кун тартибини тузиб чиқдик, унга ҳамиша риоя қиламиз, унча-мунчани парвойимизга келтирмаймиз. Сен тез-тез келаман деб овора бўлиб ўтирма. Якшанбани кут. Сенинг ҳаётинг ўзингга керак, Вайолет. Уники ўзига.

Бир ҳафтани базўр ўтказдим. Дам-бадам қўнғироқ кутдим, ҳар қўнғироқ жиринглаганда кўнглим орзиқиб кетарди. Онамнинг хотиржамлиги, менга ҳар бир нарсани айтавермаслигидан миннатдор эдим — болалигимда унинг бу хусусиятларидан кўп жаҳлим чиқарди.

Якшанба куни кечқурун эмас, тушгача уйга етиб келдим. Отамга боғимизнинг ишларида ёрдам бермоқчи эдим. Онам Роза опажоним билан кўл томонга айлангани чиқиб кетишган эди. Отам билан экинлар, помидор кўчатларини чопиб, шира тушган жойларга дори сепиб, тартибга келтирдик. Соат тўртларда мен уйга ташна бўлиб кирдим.

Онамнинг пианино чаладиган айланма курсиси беш қисмга ажралиб тўдаланиб ётарди.

— Хўб вақтида келдинг-да, қизим, — деди отам. — Сенинг дилингни хира қилгимиз келмади... — Отам остонада туриб, оёғининг лойи билан ичкарига киришни истамасди.

— Ойим нима деди?

— «Роялдан стул яхшироқ», деди. Роза эса полга ётиб йиғлади. Кейин онанг уни кўлга олиб кетди. Вайолет, бошқа бундай давом этиши мумкин эмас. Ҳали олдинда йигирма етти кун турибди. Роза кечалари ухламайди, онанг ҳам мижжа қоқмай чиқади. Мен ҳар кунига мингдан, йигирма етти мингни тўлашга рози эдим. Клиникада ётқизиш учун суғуртасиз бўлса шунча тўлаш керак.

— Тўлаб қўя қолинг бўлмаса. Уни Хартли-роузга жўнатинг. Яхши жой. Роза у ерда санъат билан шуғулланишни яхши кўради.

— Жўнатгим келади, лекин жўнатолмайман. Суғурта полиси то суғурта ҳаракатга киргунча бир ярим ой симптом бўлмаслигини талаб қилади. Унгача ҳеч қаерга ётқизиш мумкин эмас.

— Вой, худойимей! Отажон, ахир Роза бир ярим ой эмас бир ярим соат ҳам симптомсиз яшагани йўқ-ку! Бу суғуртани қаердан олдингиз?

— Муттасил оғриганлар учун бериладиган бирдан бир узоқ муддатли суғурта фақат шу. — Отам худди оғзидан ортиқча сўз чиқиб кетадигандай оғзини қўли билан тўсиб, яна боғга чиқиб кетди. Балки йиғлаган бўлса ҳам керак.

Онам келгунча мен уй ичида, отам боғда юмушларни қилдик. Опажоним тиззасигача шимарилган иштони шилтаи шалаббо бўлган ҳолда бир уюм чиғаноқлар ва сув ўтларини кўтариб кириб

Мен Роза бошини уриб пачақ қилаётган ерга чўзилиб ётиб олдим. Опажоним шунда тўхтади, унинг катта боши менинг қорнимдан бир энлик юқорида осилиб қолди.

— Вой! Вайки, ойижон кечиринг! Жаҳлингиз чиқмасин! — У ўрнидан базўр турдида, увлаб ўзининг хонасига чопиб кириб кетди.

Онам ўрнидан туриб, юзини чайди, идиш сочиқ билан бетини артди. Розанинг увлаганини эшитиб отам югуриб келди, у йўл-йўлакай оёғидаги резинка этикларини итқитишга уринарди.

— Қани мен бир кўрай-чи! — У онамнинг башарасини оҳиста айлантириб бўздай оқарган афтидаги урилган жойларини кўрди. — Нима бўлди?

Онам менга тик қараб турарди.

— Вайолет, нима бўлди? — яна сўради отам. — Роза қани?



Федерико Гарсиа Лорка: «Пйеро» ва «Ноктюрн»

— Розанинг пича мазаси қочиб қолди, ўз хонасига чиқиб кетди, онамни билмасдан итариб юборди.

Мен умримда уч марта ёлғон гапирганман. Бу менинг иккинчи маротаба ёлғон сўзлашим эди.

— Онасини итариб юбордими! Ёмон уятли, оғир иш бўпти. Унинг йўлида сен дуч келиб қолгансан-да, азизим, лекин у ўз ихтиёри билан шундай қилмаган, ишон. — У онамга чой тайёрлаб берди. отам бир умр онамнинг қаҳри ва гоҳ-гоҳ бегонасирашлари билан курашиб келади, унинг қалбининг ҳарорати бу сафар ҳам қайноқ чой орқали онамнинг мўъжаз кафтлари ва нозик бармоқларига ўтиб, уларни иситди. Онам оҳиста чўзилди ва ҳорғин бошини отамнинг тиззасига қўйди. Мен кўзимни олиб қочдим.

— Келинглар, дастурхон тузатайлик. Кейин мен уни ўзим чақириб тушаман, — деди онам. — Йўқ майли. Яхшиси, уни сен чақириб туша қол, Дэвид. Майли яхшиси олдин у сенинг юзингни кўрсин.

Тушлик асабий тарзда ўтди. Роза зўр бериб ўзини қўлга олишга уринар, мултфилм орқали ҳамма биладиган куйни хиргойи қилар, овқатга қўлининг учинигина текизди, шу заҳоти шарбатни тўкиб юборди ва йиғлашга тушди. Отам онамга қаради. Розага ўзининг сочиғини тутди. Роза кўйлагини хафсала билан шарбат қолдиғидан тозалай бошлади. Кўз ёшлари қуриди.

— Мен ухлашни хоҳлайман, караватга ётаман, уйқу роҳат, ўзимга келаман, сенга тегаман, қизил кўйлак кияман, боламга алла айтаман, сен эса қизил кийма, севгингни бизга дейма, чунки уйқим келяпти, караvот чақиряпти...

— Бўлди, бўлди. Роза, етар. Юр, сени тепага олиб чиқай, ўз каравотингда ётиб ухлайсан. Кейин ойинг кириб сенга хайрли тун тилайди. Бўлди, бўлди, Роза, тинчлан...

Роза отамнинг узатилган қўлини қучоқлаб олди, отам унинг қўл етмас белидан тутди-да, улар чиқдилар.

Онам юзини қўллари билан беркитди, бир зум қотиб турди, сўнг дастурхонни йиғиштира бошлади. Биз жимгина идиш-товоқларни ювдик. Онам Шубертнинг «Шлуммерилед»ини хиргойи қилди. Бу ўрмон ва жилға ҳақидаги алла, улар гўдакни уйқуга ундайдилар. Болалигимизда онам бу қўшиқни бизга ҳар кеч айтиб берарди.

Отам ошхонага бош суқди, менга «вақт бўлди» деб ишора қилди ва онамни юқорига бошлаб кетди. Улар тез орада қайтиб келишди.

орқага ташлаган, оқ-оппоқ бўйни худди антик колонна каби чўзилган эди.

— Роза!..

У зўрға-зўрға нафас олар, дудоқлари оқарган эди. Бирдан киприклари қимирлади.

— Концерт тугади, — дея пичирлади унинг лаблари. Ҳа, менимча, у худди шундай деди.

Мен унинг ёнгинасига ўтирдим. Унинг чўзилган қўллари остида шиша идишчада андаккина оқ таблеткалар қолган эди. Мен ўтириб юлдузларнинг сўниб бораётганига қарардим. Юлдузлар кўкда кўринмай қолди, қуёш чиқиб қиздирди, мен уйга қайтдим. Онам елкасига адёл ташлаб остонада кутарди. Қадамларим жуда оғирлашиб кетгандай эди. Онам мени урса нима қиламан? Ўлдириб қўйса-чи? Ахир унинг суюкли қизи менинг қўлимда жон берди.

— Сарбоз қизларим, — деди онам мени нозик узун қўллари билан маҳкам қучиб. — Мен ҳақиқий мард қизларни ўстирган эканман. Жангчи маликаларим. — У мени маҳкам қучоқлаб ўпди, сўнг ёлғиз ўзи ўрмонга қараб кетди.

Кейин у отамни уйғотди. Отам ўрмонга боролмади. Ундан кейин онам полицияга ва маросим идорасига қўнғироқ қилди. Кейин телефон дастагини жойига қўйиб чўзилди ва то кўмиш гали келмагунча ўрнидан қўзғалмади. Отам биз иккимизни овқатлантирди, барча керакли кишиларга хабар берди ва ўзи Роза учун тобут танлади.

Онам мусиқа чалди, Аддининг овози олтин қўнғироқлардай кўкка таралди, мен кўзимни юмдим ва хаёлимда гўзал сочлари ёл каби ҳилпираган ўн тўрт яшар опажоним қад ростлади. У опера олдидаги майдончада кўзлари ёркин чироқларнинг шуълаларидан қамашиб турарди. Тоғ жилғаси эса кумуш кўзачани шаффоф сувга тўлдирар, бизнинг қалбларимизни ҳам лимлим қилиб тобора юксакларга чорлаб борарди.

**Иброҳим ҒАФУРОВ**
**таржимаси**

## ЧЎПИЙ ДОМЛАНИНГ «ОЛДИ-ҚОЧДИ» ГУРУНГЛАРИ

**ЎЗРО**

### *Қизиқболага мактуб*

Қизиқболагинам, пора ҳақида ёзганингни ўқидим. Пулга дахлдор гапни ким ҳам ўқимайди дейсан?! Пули бор ҳам, йўқ ҳам албатта кўрар-кўрмас кўз югуртиради, пулга қарагандай! Бир нарса чиқармикин дейди-да! Шу сенга айтсам, фақат сарлавҳасини «Пора» эмас, «Порахўрнинг туғилиши» деб қўймабсан-да. Майли, ҳечқиси йўқ, катта бўлсанг, сарлавҳаларинг ҳам каттайишиб қолар. Лекин буни ҳозирдан деб бежиз айтишмаган. Қизиқжон. Сен билмаган энапулини айтдим-да. Ана энди, «ингапора-ингапора»дан олайлик:

*«Ингапора-ингапора»,*
*Қани-қани, кимга пора,*
*Эл қатори оласиз-да,*
*Ишим битиб қолса зора.*

*Қуш тилини тилмочи — қуш,*
*Демас отдан-эгардан туш.*
*Ҳеч нарсани билмасанг ҳам*
*Пора ишини билсанг — хуш.*

# ПОРАХЎРНИНГ ТУҒИЛИШИ

ЁКИ «ИНГАПОРА-ИНГАПОРА»



оз-оз тажрибасини олиб турсанг ҳам ёмон бўлмайди. Оз-оздан бошланадида, «кичкина деманг бизни» дегандай. Дейлик, масалан, кичик гапга ҳам катта сарлавҳа ёзасан-қўясан, ахир аҳли донишманднинг хазинабоп гапларияам нари борса бир жумла бўлади.

***Пора билан ўқишга кирсанг, пора билан ўқийсан. Ташвишланма, битириб ишга кирганингдан кейин ҳаммасини қайтариб оласан...***

Ана порахўр ҳам туғилди-қўйди, «ингапора-ингапора» деб. Ўзинг айтганингдай бирор жойида узилиш бўлмади — беками кўст, киришидан чиқишигача, қойилман. Ва яна чиқишидан бошлаб-а! Вуй, сани воситачи энагангданай! Жа қуйма ёзибсан-да. Ёнида турувмидинг, а?! Ё қозонида қайнаяпсанми? Қалай, янги сарлавҳасиям ёқдими? Исми жисмига монанд бўлсин, дедим-да. Ёшлар маслаҳатни унчалик хуш кўришмаса ҳам бу маслаҳатим сенга маъқул келгандиров. Хўш, «қизиқлар дафтари»нгни тўғирлаб қўйдингми, баракалла! Лекин ҳар-ҳар замон сарлавҳага унчаям ружу қўймаганинг маъқул, илло аҳли машойихнинг сўзидан қиёс. Маъни-мағзини ҳар қанақасига ўзлари чиқариб олаверади, энага демасанг ҳам — эна десанг ҳам. Айниқса, энапулни билганлар дарров тушунади, мен сенга айтсам. Энапул деб эшитганмисан ўзи? Сиз ёш-яланглар фақат ундан-бундан эшитганингиз «додахўжаси»ни биласизлар-да. Ахир порахўрнинг туғилиши дегандай, пoранинг ҳам туғилиши бор, иним. Пулни пул туғади

*Ошиқларинг ол-чи бўлар,*
*Бармоқларинг болчи бўлар,*
*Эшигингда ғуж-ғуж навбат,*
*Йўлингга қаровчи бўлар.*

*Асло «йўқ» дема, «хўп-хўп» айт,*
*Белгила го у — го бу пайт,*
*Бўш идишлар қанча бўлса,*
*Баҳонани шунча кўпайт!*

*Бекорга иш битирворма,*
*Асакангни кетирворма!*
*Чўнтагингдан чиқмаса ҳам*
*Кирмоғи шарт, ўтирворма.*

*Тўғриликча келганлар кўп,*
*Бир бош уриб кўрганлар кўп,*
*Нима қипти, ҳар эшикда*
*Навбат кутиб турганлар кўп.*

*Қачон қуруқ битирибсан,*
*Қотса бир юз қотирибсан.*
*Мойли жойда ўзи ахир*
*Шунинг учун ўтирибсан...*

*Кўпга келган тўй, дейдилар,*
*Чанг чиқарма, қўй, дейдилар,*
*Минг эшикда не қиласан,*
*Бирига бер-қўй, дейдилар.*

*Хулласкалом, «ингапора»,*
*Ким сўраса — шунга пора.*
*Тутса тўлқoингдан бошлаб*
*Унга пора — бунга пора...*

Газетда ўқидим, ана, сен ҳам «ойчиптахон»ни мелисага берибсан-ку, оқ-қорага имзо-пимзо чекмай? Жарима дейишингни қара, рақам тортилган, муҳри безрайиб турган қоғозга ёзмай берилгани пора бўлаверади, мен сенга

*«Чўпий почтаси»дан*

айтсам. Билъакс, мелиса оканг ойчиптангни нима қилганини қаёкдан биласан?

Майли, қизиқ ишлар кўп, қизғинлари ундан ҳам кўп. «Қизиқлар дафтари» тузганингдай, мен ҳам го қизишиб қолсам «Қизиқнома»га у-бу қоралаб қўяман. Бу ёғига балки газетда ўқишиб турармиз. Лекин ҳозирча илло-билло бу порабитикни Чўпий домлага айта кўрма, хўпми? Овоза бўлиб кетмасин, ими-жимида битирадиган бир-икки ишларим бор... акси урмай турсин. Ана ундан кейин «ими-жимиси»ниям қўшиб ўқитарсан. Энди «Қизиқнома»дан бир чимдим дегандай-а, номини эшитиб ичинг қизишиб тургандир.

***«ҚИЗИҚНОМА»дан***

### *УЙ ВА ЧЎНТАК*

***(Журналист ва домуллонинг суҳбатидан)***

— Телефон олмоқчи эдим, лекин уни ўрнатишга қулай жой тополмадим. Уйим йўқ эди-да...

— Чўнтак телефони ола қол, уй сўрамайди.

— Э йўқ, униси чўнтак сўрайди-да.

### *ЙЎЛКИРА ВА ОЁҚ*

Журналистни оёғи боқади, дейдилар, фақат оёқ очиши учун йўлкираси бўлса...

### *АҒДАРИЛГАН МАҚОЛЛАР*

Оз-оз олиб порахўр бўлур.
(«Оз—оз ўрганиб доно бўлур»)

Порахўр кўп бўлса, пора берувчи қолмайди...
(«Чўпон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади»)

Кетиб қолгунча ботиб қол...
(«Ётиб қолгунча отиб қол»)

Пора ўртадаги молдир,
Бировга берасан, бировдан оласан.
(«Тўёна ўртадаги молдир — бировга берасан, бировдан оласан»)

Топган — пул, тополмаганнинг иши бир пул, пиёзи ўзига сийлов.
(«Топган гул, топмаган бир боғ пиёз»)

**Дуойи салом билан КАТТАҚИЗИҚ**

# «ҲИРИНГ-ҲИРИНГ»

***Истеъдодли ижодкор Абдураззоқ Обрўйнинг кўплаб пародиялари, насрий асарлари мухлисларга яқиндан таниш. Айниқса, унинг бир-биридан самимий, беғубор, бир қадар куюнчаклик билан битилган пародиялари тезда кўзга ташланади.***

***Яқинда «Чўлпон» нашриёти унинг асосан пародиялардан иборат бўлган «Ҳиринг-ҳиринг» номли китобини нашр этди. Бу ижод оламида ўзига хослик билан қалам тебратаётган муаллифнинг учинчи китобидир. Қуйида ушбу китобдан парчалар эълон қилинмоқда.***




### *НИМА ДЕР?*

***Туш эмас, йўқ, ёлғон сўзлаб***
***Айтмаяпман йўлига.***
***Мен бир марта сув қуйганман***
***Миртемирнинг қўлига...***
***Қадам Саидмуродовнинг «Фахр» шеъридан***

***Саид Аҳмад билан мен***
***«Ҳамза»да кўришганман.***
***Саъдулла ака билан***
***«Ёшлик»да уришганман.***

***Ёзда Неъмат Аминга***
***Газсув олиб берганман.***
***Қулманбойга шахматдан***
***Атай қолиб келганман.***

***Асқад Мухтор келганда***
***Дамлаганман аччиқ чой.***
***Эркин Воҳид акамга***
***Автобусда бердим жой.***

***Ҳар кун Анвар Обидни***
***Трамвайда кўраман.***
***Берди Раҳмат билан мен***
***Ижарада тураман.***

***Тушимда Ғафур Ғулом***
***Ёзсанг бўлар, зўр деган.***
***Абдулла Қаҳҳор эса***
***Шошма, ўйлаб кўр, деган.***

***Бўлса ҳам кўп танишим,***
***Битолмадим бирор шеър.***
***Бўшроқ чиқса ёзганим,***
***Ахир улар нима дер?***

### *ЎРГАНСАНГИЗ БЎЛМАСМИДИ?*

***Муқаддас изларингда***
***Аён бўлайин,***
***Муҳаббат, дарё эсанг***
***Чўкиб ўлайин.***
***Саъдулла Ҳакимнинг «Илтижо» шеъридан.***

***Жуда яхши биларкансиз,***
***Саъдулла, шеър тузишни.***
***Ўргансангиз бўлмасмиди,***
***Ўз вақтида сузишни?!***

### *САЛОМ ДЕЙМАН*

***Салом, деймaн кекса-ёшга,***
***Салом, деймaн дўстга,***
***душманга.***
***Баъзан ҳатто дарахтга, тошга***
***Салом бермоқ келур***
***хуш менга.***
***Тоҳир Қаҳҳорнинг «Салом дейман...» шеъридан.***

***Эрта тонгдан туриб олиб***
***Барчага салом бераман.***
***Баъзан бошим уриб олиб***
***Дарчага салом бераман.***

***Уч-тўрт марта сочим тараб***
***Ўзимга ҳам салом дейман.***
***Баъзан ҳатто ортга қараб***
***Изимга ҳам салом дейман.***

***Салом дейман дўппим олиб***
***Етмаганга мен овозим.***
***Қуюқ салом қилмаганга***
***Насиб этмасмиш лавозим.***

***Салом бериб ўтаман мен***
***Ёзганимни ўқиганга.***
***Нега салом бермайсизлар***
***Шундай шеърни тўқиганга!***

*ОХИРГИ СЎЗ*

## *Ўзи эди солпи қулоқ, ит қопди — баттар бўлди*

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 29.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Р.Исмаилова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Дилором МАТКАРИМОВА

Босишга топширилди 19.30

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV. №

Milliy Tiklanish

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining haftalik gazetasi

2003 yil, 4 fevral

2 (274) son

# СИЁСИЙ ТАФАККУРНИНГ КЕЛАЖАГИ

Конрад Аденауэр жамғармаси ва Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди

Германиянинг Конрад Аденауэр халқаро жамғармаси бугунги кунда кўпгина мамлакатларда фаолият олиб бормоқда. Жамғарманинг Марказий Осиёдаги минтақавий филиали бир неча йилдирки, Ўзбекистонда ҳам демократик жараёнларни чуқурлаштириш, хусусан, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар фаолиятига кўмаклашишда мунтазам тарзда амалий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида икки йил ичида, сиёсий партиялар иштирокида бўлиб ўтган ўнлаб семинар ва конференциялар долзарб мавзуларга бағишланиб, улар кишиларимиз сиёсий тафаккурининг шаклланишида, сиёсий ислоҳотларнинг ҳаётда ўз ифодасини топишида кўмак бермоқда. Бу тадбирлар асосан 5 йўналишда: фуқаролар йиғинлари раислари билан; партияларнинг раҳбар ва ходимлари билан; тадбиркорлар вакиллари; оммавий ахборот воситалари ходимлари; ёшлар билан илмий-сиёсий мулоқот, маънавий ҳамкорлик тарзида амалга оширилмоқда.

*Партия ҳаёти*

31 январ куни Тошкент шаҳрининг "Пойтахт" меҳмонхонаси конференция залида мазкур жамғарма ва Ўзбекистон сиёсий партиялари ҳамда журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ташкилотчилигида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. "Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг келажак вазифалари" мавзусида ўтказилган ушбу даврда суҳбатини К. Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили жаноб Томас Кунце кириш сўзи биан очди. "Биз Ўзбекистон халқи билан изчил дўстона муносабат ўрнатганмиз. Дўстлик эса бу аслида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бир-бирини тушуниш ва ва қўллаб-қувватлаш деган маъноларни билдиради" деб таъкидлади у. Давра суҳбатида ХДП, "АДОЛАТ", "Фидокорлар", "Миллий тикланиш" партияларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Жумладан, ЎзМТДП Марказий ҳайъати раиси Иброҳим Ғафуров партияларнинг бугунги кундаги фаолияти тараққиёт ва фаровонлик, жамият равнақи учун нақадар зарурлиги ҳақида тўхталди. "Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, ифодали қилиб айтганда, ҳаёт денгизида музёрар кемалар каби аста-секинлик билан тараққиёт сари бораяпти. Улар ўз кўзлаган марраларига албатта етадилар. Фуқароларнинг партияларга бўлган муносабатининг фаоллашуви, қизиқишларининг ортишида, жойларда ҳокимликлар тармоқлари билан турли масалаларда йўлга қўйилаётган ҳамкорликларда К. Аденауэр жамғармаси ташкил этаётган семинарларнинг аҳамияти катта эканлигини чуқур англаймиз. Чунки сиёсий жамоатчилик ташкилотлари фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланишида, уларнинг давлат бошқарувида иштирок этишларида, демократик жамият томирларининг ҳаракатланиб туришида энг катта таъсирчан кучлардир. Бундай ишни фақат сиёсий партиялargina амалга ошира билиши жаҳон тажрибаларидан маълум, партияларнинг жамият ва давлат ўртасидаги буюк бир воситачи кўприк экани ўз ҳаётий исботини топиб турибди", деди "Миллий тикланиш" партияси раҳбари Иброҳим Ғафуров.

Шундан сўнг Германиялик сиёсатшунос Ане-Мария Кессер хонимнинг "Ҳокимиятнинг тармоқлари: Германияда ҳозирги шароитда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусидаги маърузаси тингланди. Бунда, айниқса, партиялар дастурларининг амалга ошиши, улар фаолиятини молиялаштиришда Германиядаги қонунлар билан аниқ мустаҳкамланган амалиёт йўл-йўриқлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Сиёсатшунос Михаил Елшовнинг Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг қонуний меъёрларига доир маърузаси 1996 йилда бу тўғрида қабул қилинган Қонуннинг мазмун-моҳияти, унинг бошқа ҳужжатлар билан қиёсий таҳлилига бағишланди. Вақт ўтиб, янги воқеликлар туғилиб қонунга янги нуқтаи назар билан қараш зарурати пайдо бўлгани таъкидланди.

Маълумки, Конрад Аденауэр халқаро жамғармаси мамлакатимиздаги сиёсий партиялар билан ўзаро ҳамкорлик асосида иш олиб боради. Ушбу анжуманда Ўзбекистон сиёсий партиялари билан жамғарма ўртасида 2003 йилги шартнома тантанали имзоланди.

**Дилором МАТКАРИМОВА**



**Суратда: Давра суҳбатидан лавҳа. Ане-Мария Кессер хоним маъруза қилмоқда.**

*БАҲС: Янги аср муаммолари*

# ИЛМИЙ СИЁСАТ НИМА? ВА УНГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛАДИ

***Оқил чин сўздин ўзгани демас,***
***Барча чинни демак оқил иши эмас.***

**Алишер НАВОИЙ**

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига ўтишида ижтимоий-сиёсий фанларнинг ўзгарган давр руҳини тўлиқ ва чуқур англаб етиши, ўтмишдан мерос бўлиб келаётган карахтлик ва догматизмни батамом енгиб ўтиши, илмий, сиёсий ташаббуслар билан чиқиши долзарб аҳамиятга эга. Яқин ўтмишда коммунистик идеология ва сиёсатнинг ижтимоий-сиёсий фанлар устидан танҳо ҳукмронлиги оқибатида жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлар ўзининг илмийлиги, ишончлилигини йўқотиб, мавжуд идеология ва сиёсатнинг шунчаки малайи ва тарғиботчисига айланиб қолган эди.

Ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий фанлардан Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг назарий таянчи, янги тарихий давр ўртага қўйган ғоят мураккаб муаммоларни янгича мезон ва методология, янгича фалсафий дунёқараш асосида тадқиқ этиш ташаббускори бўлиш талаби қўйилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов ўзининг қатор асарларида ижтимоий-гуманитар ва сиёсий фанларимиз олдида турган энг долзарб муаммоларни қўйиб, фан билан шуғулланиш, унинг долзарб вазифаларини белгилаш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Тарихчилар, публицистлар, ижтимоий фан намояндалари, ёзувчилар, журналистлар билан учрашувларда худди мана шундай масалалар қўйилганини эслайлик. Президент И. А. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...", "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" сингари қатор асарларида кўтарилган илмий ва фалсафий ғоялар фан мустақиллиги, фан сиёсати учун янги истиқболли эшиклар очди. Бу каби асарларнинг кўплаб хорижий тилларга таржима қилинганлиги, илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

Масала катта миқёсда қўйилди. Лекин унинг амалга ошиши ғоятда секинлик билан, катта қийинчиликларга дуч келиш ва енгиб ўтишга уринишлар билан боряпти. Биз бугунги кунда Ўзбекистонда нима учун Президент Ислом Каримов асарларида илгари сурилган ғоялар мамлакат миқёсидаги реал илмий сиёсатга айланмаяпти, нима учун ёрқин, теран дарсликлар ва қўлланмалар ярата олмаяпмиз? – деганга ўхшаш саволларга жавоб топишимиз илмий доираларимиз учун ҳаётий, фанний заруриятга айланмоқда. Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий фани кечираётган ҳолат, ўзгарган давр руҳини англамаслик, мақтовга одатланганликнинг туб илдизлари фан ҳақидаги эскича, нотўғри тасаввурларнинг ҳамон Ўзбекистсон олимлари онгида яшаётганлиги билан боғлиқдир.

Мустабид тузум шароитида сиёсий раҳбарнинг нуқтаи назари, қарашлари ижтимоий фанлар ва фалсафа учун ҳақиқат мезони, методологик асос бўлиб хизмат қиларди. Давлат раҳбарининг сиртдан қараганда энг тўғри фикри бутун жамиятга тарғиб этилса, унга зид фикрларни айтишга йўл қўйилмаса, совет жамияти гуллаб яшнайди деб ҳисобланарди. Бу ҳолат жамиятни таназзулга олиб келишга кўмаклашишини гувоҳи ҳам бўлдик.

Тарихий тажриба маълум бир сиёсий етакчининг (бир киши ёки бир гуруҳнинг) фикри қанчалар тўғри бўлмасин, унга танқидий назар билан қаралмаса, ижтимоий фан ва умуман ижтимоий тафаккур ривожлана олмаслигини кўрсатди.

Шу ўринда буюк немис файласуфи Гегелнинг: "Нимаики мутлақлаштирилса, ўз зиддига айланади", – деган ҳикматини эслаш жоиздир.

Ҳозирга қадар ижтимоий фан билан сиёсат ўртасидаги алоқадорлик ва умумий жиҳатларга кўпроқ эътибор бериб келинди. Лекин, афсуски, сиёсат ва фаннинг ўзига хослигини, уларнинг нисбий мустақиллигини, фан ва сиёсат табиатан бошқа-бошқа соҳа эканлигини ҳатто тушунишга уриниб кўрилмади.

Сиёсат бошқариш билан, манфаатлар ва иродаларнинг ранг-баранглигини рўёбга чиқариш билан чамбарчас боғлиқ фаолият туридир. У ҳамиша узоқ ва яқин вазифалар, конкрет вазият билан боғлиқдир. Сиёсатчи конкрет вазият тақозоси билан иш кўради. Фан эса холислик, эркинлик, тараққиётни кўзлаш билан узвий боғлиқ. Фан объектив ҳақиқатни билишга интилади. Олим илмий фактлар билан иш кўради, жамиятнинг бугунги муаммоларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганади ва бу муаммоларнинг оқилона ҳал этиш йўлларини илмий асосда топиш билан шуғулланади. Ҳозир Ўзбекистонда фан соҳасидаги сиёсатни, илмий сиёсатни кенг тарзда ишлаб чиқиш энг муҳим, долзарб вазифа бўлиб турибди.

Ахборотлаштириш, компютерлаштиришни ривожлантириш йўлида ташланаётган муҳим қадамлар – илмий сиёсатнинг илк умидбахш кўринишлари деб айта оламиз. Лекин бу ҳам ҳали етарли эмаслиги кўпчиликка равшан.

Илмий сиёсатнинг қудрати шундаки, у олдиндан кўради, прогноз қилади, ихтиролар ва кашфиётларга замин ҳозирлайди, уларни тезлаштиради, ҳаётга, ишлаб чиқаришга олиб киради илмий сиёсатнинг амалиётини ишлаб чиқади, ресурсларини чамалайди, топади. Ишлаб чиқариш ва унинг технологияларини замонавий даражага қўяди, унумдорлик, рационализмни юксалтиради. Илмий сиёсатнинг бир неча қирраларинигина санаб ўтяпмиз. Аслида илмий сиёсат юзлаб фан тараққиёти йўналишларини ўз ичига олади.

Шулардан келиб чиқиб, чуқур ишланмаган илмий сиёсатсиз ҳақиқий тараққиётнинг бўлиши мумкинми? – деган муаммони ўртага қўймоқчимиз. Биз фан фидойилари бўлмиш олимларимизни бу муаммо устида фикрлашга баҳсга чорлашга журъат этамиз. Ахир ижтимоий фан вакиллари жамиятимиз тараққиёти йўлида пайдо бўлган жуда кўплаб мураккаб муаммоларни оқилона ҳал этиш учун илмий-таҳлилий тавсиялар беришларини замонавий ҳаётнинг ўзи талаб қилмаяптими? Шундай муаммолар турганда олимнинг жим ўтириши тўғри бўладими?

Инсоният ўзи яшаб турган жамият моҳиятини билишнинг жуда кўплаб воситалари, усулларини яратди ва ҳозиргача улардан фойдаланиб келди. Инсоният жамияти маънавий тараққиётнинг муайян босқичларида мифология, дин, санъат, идеология, фалсафа ва фан инсон ва жамият моҳиятини билишнинг муҳим воситалари бўлиб келган бўлса, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида фан воқеликни билишнинг энг самарали ва ишончли воситаси бўлиб қолди. Бундан ташқари фан XXI асрда бирдан-бир тараққиёт омилига, буюк ўзгартирувчан, яратувчан кучга айланиб бормоқда.

Бошқариш, хўжалик, экология соҳаларида муаммолар шу қадар йиғилганки, уларни илмий сиёсат юритмагунча ҳал этиш имкондан хориж бир иш бўлиб кўринади. Илмнинг, олимларнинг, бутун куч-қуввати, салоҳиятларини илмий, фанний сиёсат масалаларига тортишни эндиликда кечиктириб бўлмайди. Олимлар жамият ва унинг истиқболлари ҳақида холисона таклифлар, етилган ижтимоий муаммоларни тез самарали ҳал қилиш учун амалий тавсиялар берадилар. Жамиятда олим қадр-қиммат топиши учун ўз иши билан шуғулланиши, ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини холисона ўрганиши ва амалий таклифлар бериши керак эмасми? Фан ҳаёт ва тараққиётнинг четида эмас, ичида бўлиши, етакчилик қилиши керак эмасми?

**Қодиркул РЎЗМАТОВА,**
**фалсафа фанлари номзоди, доцент.**

# ЕЛИБ-ЮГУРИБ... ЧИПТА СОТИШМАДИ

"Тошкент – Қўнғирот" темир йўли ишга тушганига кўп вақт бўлгани йўқ. Албатта бу ҳаммамиз учун қувончли воқеа бўлди. Янги темир йўлнинг афзалликларидан бири шуки, у фақат ўз юртимиз ҳудудларидан ўтади. Демак, йўловчилар учун божхона билан боғлиқ оворагарчиликлар йўқ, чипта ҳам анчагина арзонлашган. Лекин хоразмлик йўловчилар Тошкентга бориши учун Тўрткўлдан поездга чиқиши керак экан, Тўрткўл ҳам унчалик яқин йўл эмас, ўртада дарё бор. У ёққа борсанг-у, поездга чиқолмасанг ёки чипта тополмасанг... деб ўйлангандик. Бу жиҳатдан ҳам йўловчиларга қулайлик яратилибди – Урганч темир йўл вокзали кассаларида хоҳлаган пайтингизда бу йўналишдаги поездга чипта олишингиз мумкин. Вокзал маълумотхонасидан буни эшитиб жуда хурсанд бўлдик.

Эртасига (21 декабр куни) чипта олиш учун вокзалга бордим. Касса ёпиқ экан. Шу ердаги дўкончилар кассирларнинг тушлик қилишаётганини айтишди. Соат 13.30 бўлгани учун бунга ажабланмадим. Бошқа зарур ишларимни битириб, тушдан кейин яна келдим. Кассирга мақсадимни айтиб, паспорт ва пулларни узатдим.

– Синглим, сиз сўраётган поездга чипта бор, "ёзиб беринг", десангиз мен бераверaman. Аммо, огоҳлантириб қўяй, ҳозир дарёнинг кўприклари ёпиқ, ўтиш қийин бўлаяпти.

– Майли, бир амаллаб...

– Ахир, синглим, шу ердан чипта сотиб олганларнинг ҳаммаси дарёнинг нариги томонига ўтолмасдан қайтариб топшираяптилар.

Кассир амакининг гапида жон бордек туюлди менга. Буни олдиндан айтгани учун унга миннатдорчилик ҳам билдирдим. Уйга келиб сешанба куни Тошкентга етиб бориши шарт бўлган меҳмонларга аҳволни тушунтирдим. Янги йил арафаси, йўллар музлаган, сирпанчиқ бўлгани учун бугун-эрта бу йўналишда рейсдаги автобуслар қатнови ҳам йўқ эди.

Суриштириб билсак, йўловчилар дарёнинг "Чолиш" кўпригидан ҳар куни тушдан кейин паромда ўтказилаётган экан, бошқа кўприклар ҳам очиқ, лекин узоқ эди. Эртасига яна ўзим вокзал кассасига жўнадим. Кечагидай тушлик пайтига қолиб кетмаслик учун вақтлироқ ҳаракат қилиб соат 12.30 да етиб бордим, ажабо, касса яна ёпиқ эди. Кассир эндигина тушлик учун уйига кетаётган экан. Менинг чипта олишга келганимни билиб шу ерда турган йигитлар уни орқасидан чақиришди. Кассир йўлда орқасига бир қараб қўл силтади-ю, кетаверди. Ана холос, агар тушлик 13 дан 14 гача бўлса, демак, бу кассир аёл ярим соат олдин кетаяпти. Бир

*Ажабо!*

ярим соат кассанинг очилишини кутишим кераклигини ўйлаб, навбатчи бошлиқ ёрдамчисига мурожаат қилдим.

– Кассаларга тушлик вақти соат нечадан нечагача? – сўрадим ундан.

– Соат 12 дан 13 гача.

– Кеча 13.30 да келсам ҳам кассирлар тушликда эдику.

– Бор, бошимни оғритма, мендан бугунни сўра, мен фақат бугун учун жавоб бераман, – деди негадир сенсираганча. У ҳужжатимни кўрганидан кейин ўзини Қуромбой Ҳасанов деб таништирди.

– Майли, ярим соат кутиб тураман, касса очилармикин ахир?

Беихтиёр ойнаванд кассадаги ёзувларни кўздан кечира бошладим:

"Бутун сутка давомида танаффуслар билан ишлаш кассаси" Ие, бу ёғи қизиқ бўлди-ю, бу дегани кассир хоҳлаган пайтида касса очилиши, хоҳламаса ёпиқ бўлиши мумкин дегани эмасми?! Танаффус вақти кўрсатилмаган бўлса. Бу "ноёб" ажабтовур ёзувни суратга олдим. Бепарво кетишидан ҳалибери қайтмайдиган кўринган аёл негадир ярим соатдан кейин шошқилаб етиб келди.

Душанба (яъни эртаси) куни кетадиган поездга чипта сўрадим. Лекин аввал у ҳам кечаги кассирнинг гапини такрорлади. Бундан хабарим борлигини, шундай бўлса-да чипта олмоқчилигимни айтдим. Кассир аёл русчалаб жавоб берарди.

– Кечирасиз, сиз ўзбекча гапиришни биласизми?

– Ну, половина, – деди у хотиржамлик билан.

Бир нарса деёлмадим, чунки унинг иши бу қонундан ташқари ҳолат эмас эди... Ҳар ҳолда бу кассага рус тилини билмайдиганлар тилмоч билан келиши зарурга ўхшарди. Ажабо, билганлари ҳам баъзан нега энди Ўзбекистон ҳудудида давлат тилидан ўзга тилда гапиришга мажбур бўлиб қолиши керак деган мулоҳазага бордим. Ҳамкасблари "Люба опа" деб мурожаат қилишаётган кассир аёл бирдан (русчалаб):

– Мен югуриб бориб уйдан лента (машинка лентаси бўлса керак – М. И.) олиб келаман, – деб қолди, – унгача кутолсангиз, – қўшиб қўйди яна.

– Нега уйингиздан? Шу ерда – ишхонада йўқми?

– Биз ўз пулимизга сотиб оламиз, бу ердан беришмайди, – деди у зорлангандай.

Шунда ўйланиб қолдим, кечаги кассир амаки мени чиптасиз қайтарганининг асли сабаби балки шудир.

– Уйингиз яқинми? – сўрадим.

– Ярим соатга югуриб бориб келаман.

Балки, ҳали тушлик пайтида навбатчи амакининг қўнғироғи билан тезда изига қайтгандир. Чиндан ҳам у ярим соатда етиб келди. Лекин... энди электр токи ўчиб қолди. Хуллас, ўша куни ҳам уйга чиптасиз қайтдим. Чолиш ўтиш жойида фақат тушдан кейин паромлар ишлашини йўловчилардан эшитганимиз учун меҳмонлар шу куни таваккал деб йўлга чиқишди. ... Улар Тошкентга етиб борганларидан кейин ўша куннинг эртасига Тўрткўлда оворагарчиликларсиз чипта олганликларини айтиб сим қоқишди. Фақат дарёдан ўтишда қиш совуғида узоқ кутиб қолишганидан, муз аралаш сувда паромнинг ҳаракатланиши қийин эканлигидан бу ерга тезроқ янги, замонавий кўприк қуриш зарур экан дейишди. Уларнинг бу таклифи эса менга алоҳида бир мавзу бўлиб туюлди.

Сотиб ололмаганим чипта савдосини қоғозга туширдим. Зора, вокзал маъмурияти бундан тўғри хулоса чиқариб ҳечдан кўра кеч деганларидек, мавжуд камчиликларни тузатишса. Балки, Люба опа ҳам мурожаат қилувчиларга давлат тилида гапиришга, аста-таса, ҳаракат қилиб кўрар. Навбатчи амакимиз эса хизмат пайтида фуқароларга қўполлик қилмасдан гапиришни ўрганар.

**Муқаддас ИСМОИЛОВА,**
**журналист.**

2-бет → ЗЎРАВОНЛИК
Яна жаҳолат ҳақида
ЭНГ КАТТА САВОЛ

ЕВРОПАГА ЧИҚИШ ҚИЙИНМИ? ← 3

ҲАММА КАКЛИКЛАРНИ ОТИБ ҚЎЙМАНГ ← 4 → ОЙ ТОВОҒИДАГИ СИРЛАР

*Кутилмаган нигоҳ*

# МЕТРОГА ҲАММА ТУШАДИМИ?

## ЁКИ КЕКСАЛАР, НОГИРОНЛАР ВА ЭСКАЛАТОРСИЗ БЕКАТЛАР

Тошкентда метро қурилдию, лекин уни барчага баробар дейиш қийин, бизнингча, кексалар, ногиронлар ундан қарийб бебаҳрадирлар. Чунки шаҳримизда метрони метро қиладиган ажралмас восита — эскалаторлари бир неча бекатлардагина бевосита ер юзига чиқарилган. Ҳеч бўлмаганда, масалан, «Чорсу» бекатига ўхшаш унинг бир қанотидангина чиқарса бўларди.

Бунда сарф-харажатлар ҳам назарда тутилган дейилар бўлса, балки бекатлардаги қабартма ҳайкаллар, ёпилган қимматбаҳо мармарлар, асъасаидабдабали қандиллар ҳисобига маблағни тежаб, уни эскалаторлар қуришга сарфлаш ҳам мумкин эди. Ахир бундай ортиқча дабдабалардан кексаю ногиронларга бирор наф келмайди, **бундай жиҳатлар камайса ҳеч ким зарар кўрмасди ҳам.** Ҳар ҳолда бизнинг дуойимизда бўлгувчи кексалар, қайғуришимизга муҳтож кишилар манфаати муҳимроқдир.

Хўш, нима қилиб қўйилган денг: кекса йўловчи масалан, «Амир Темур хиёбони» бекатидан чиқаётганида 65 поғонани, вокзалда 54 поғонани, «Космонавт» бекатида 64 поғонани, «Тинчлик»да 60 поғонани, «Ойбек» бекатида эса нақ 80 поғонани босиб кўтарилиши керак. Хуллас метрога заруратан бир тушган кекса ёки ногирон пассажир унга иккинчи бор сира йўламайди.

Москва, Петербург, Лондон метроларида бундай ҳолни кўрмайсиз. Улар — барчага баробар. Бағдодда бўлса-ку, метро у ёқда турсин — ҳаттоки, кўчанинг у бетидан бу бетига ўтиш учун ер тагидан кавланган ўткал йўлакларга ҳам эскалаторлар орқали тушиб-чиқасиз.

Бинобарин, Тошкентда янги метро бекатлари лойиҳалаштирилаётганида шуни назарда тутиш лозим. Мавжуд эскалаторсиз бекатларнинг бир қанотини ҳали ҳам бўлса албатта эскалатор билан таъминлаб таъмир этиш зарур! Одамларга қулайлик яратишдан ортиқ нима бор? Зеро:

*Осмон офтоби билан*
*Метро — эскалатори*
*билан*

Болалик чоғларимиз Шайҳантоҳур майдони шаҳримизнинг энг обод, «оғизга тушган» жойларидан бўлиб, ҳайит арафа кунлари ҳатто ярим кечагача «бозори шаб»лар ҳам бўлиб турган.

Ўшанда ҳайитга зарур бир «оҳорлик» харид қилишни унутган бир кимсага ана шу «бозори шаб» эслатилса:

— «Шайҳонтовурми... зинаси қурсин!» — деган жавобни ҳам қилган маҳаллар бўлган. Ҳолбуки, бу ерда бозор майдонига кириб бориладиган ҳашаматли қопқадан ўтиш учун атиги... 7-8 поғонани босиб кўтарилиш керак эди, холос.

**Шарафиддин КЎНЧИ**



# ШОИРНИНГ ТИНИҚ ОВОЗИ



Ҳусниддин ШАРИПОВ

Айтишларига қараганда фарзанди ёзувчиликка қизиқиб қолган бир киши бу ҳақда Чеховдан маслаҳат сўраган экан. Буюк ёзувчи шундай жавоб берибди:

— Ўғлингиз асар ёзаётганидан хабардор бўлиб қолсангиз, уринг боплаб. Борди-ю, у шундан кейин ҳам ёзаверса, ҳеч аямай уринг. Мабодо шундан кейин ҳам ёзишда давом этса, майли, ўзига қўйиб беринг, ёзаверсин. Ундан охир-оқибатда ёзувчи чиқиши мумкин.

Билиш бошқа-ю, кўнгил майли бошқа экан. Бошқалар ҳақида бир нарса деёлмайман, лекин мен ўзим, негадир, Асқад Мухторнинг ҳатто жиддий шеърларини ҳам безатиб турадиган жонли, нурли ибораларига ишқибозроқ эдим. Унинг сатрлари, ўзи туғилиб-ўсган Фарғона аҳлининг забонига ўхшаб, қочирим, ҳазил-мутойиба, чистон, лутфга бой эди. Ҳали ёш бўлганим, Намангоннинг нозик шевасидан узоқлашиб кетмаганим сабабли бўлса керак, ўзим учун табиий нутқ яратишга Асқад Мухторнинг тажрибасига, аниқроғи-амалиётига суянардим, айниқса воқебанд манзумаларда. «Шарқ юлдузи»дай республика адабий журналига бош муҳаррир бўлиш ўша пайтда катта мансаб бўлса-да, Асқад Мухтор ҳеч мансабдорга ўхшамасди. Ойнинг бирор бир белгиланган кунида режа тузиш учун мажлисга йиғилмасдик. Муҳаррир ҳар кун, корректура ўқишдан бўш вақтларида, биз билан қайсимизнинг бисотимизда нима борлиги, ёзувчиларнинг қайси бири нималар ёзаётгани, асари қай даражага етиб қолгани ва шу кабилар ҳақида расмиятчиликсиз, самимий гаплашиб ўтирарди.

Навбатдаги сонга материал тушириб юбориш арафасида ярим соатгина мажлис қилиб олардик. Унда Асқад Мухтор журналнинг қаламда ёзилган мундарижаси билан бизни таништирарди. Мундарижа ой давомида, ҳаммамизнинг ўртамизда пишиб боргани сабабли бўлимларда тайёрланган материалларнинг қандай жойлашиши ҳақида муҳокамага ҳожат қолмасди. Асқад Мухтор айни вақтда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг котиби ҳисобланарди. Умуман, ҳамма ходимлар ҳам адабиёт оқимининг марказида яшарди. Биз ҳам, ўз йўналишимизга қараб, жанрлар бўйича ишлайдиган кенгашларга котиблик қилардик. Масалан, мен — узоқ вақт шеърият кенгашида иштирок этдим. Ўзимиз муҳокамалар ўтказишимиз, пленумлар ва ҳайъат мажлисларида қатнашувимиз шарт эди. Журнал йўли билан ҳатто уларни тайёрлашга кўмаклашардик ҳам. Ҳар қандай катта ё кичик асар аввало бизнинг қўлдан ўтарди. Бу бир жиҳатдан ижодий саралашга ёрдам берса, яна бир жиҳатдан журнал талабига жавоб бермайдиган асарларни муаллифларга қайтариш масаласида қийинчилик, ҳатто кўнгилсизликлар туғдириб, бизни ноқулай аҳволга солиб ҳам турарди.

Муаллифлар билан мулоқот пайтида биз хаёлан Асқад акага суянардик ва, назаримда, хато қилмасдик. Чунки у фақат ўзбек ёки шарқ шеъриятинигина эмас, Европа, умуман жаҳон адабиётини яхши билган, юксак дидли киши эди. «Шарқ юлдузи»да шеър ёки достони чиққан ижодкорни эса адабиёт тан олди, деб тушуниларди.

Асқад Мухтор ҳар бир журнал ходимининг ўзи обрўли ижодкор бўлиши керак деб таъкидларди. Муаллифни сўз билан енгиш қийин, кимлигингизни асарингиз билан кўрсатиб қўйинг, дерди устоз.

Ёзувчилар уюшмаси жамоаси Асқад Мухторнинг 50 йиллигини нишонлагани ҳамон эсимда. Кўп чиройли табриклар бўлди. Мен устозга аталган ушбу муҳаббатномани ўқигандим ўшанда.

*Рухсат этсангиз, қилай изҳор*
*дил тўйхат билан,*
*Гапни, салмоқли бўлар деб,*
*бошладим рўйхат билан.*

*Кексалар таърифлагандек,*
*баркамолдир шеърият,*
*Рамзу Шукрулло, Мирмуҳсин,*
*Туроб, Асқад билан.*

*Доди йўқдир барчасин ҳам,*
*балки истеъдоди бор,*
*Айби ҳам бир хил — қизиқмас*
*бокс билан, шахмат билан.*

*Шунда ҳам Асқад акам танлайди*
*вазмин руҳ йўлин,*
*От юриш қилмоқ қийин, дўстлар,*
*чинордек қад билан.*

*Ёш бугун элликда, лекин йўл*
*ҳамон энлик эрур,*
*Негаки — йўл феъли маълум —*
*кенгаяр меҳнат билан.*

*Йўл — узун! Шоирни шеърият*
*сафарбар айлагай*
*Икки юз йиллик машаққатли ва*
*нақд муддат билан.*

*Бунда — эллик! Унда — эллик!*
*Юзга — юз! Юзлар ёруғ!*
*Чарчамас дилкаш одам парвозда*
*дўст, улфат билан.*

*Шеър муҳаббатдир, одамзод*
*ташнадир пок севгига,*
*Ташналик қонгунча, шоир, жўш*
*уринг! Ҳурмат билан,*
*укангиз Ҳусниддин!*

1984 йил бошида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сарвар Азимов менга уюшма ҳузурида таржима кенгаши тузишни топширди. Шоиру носир, атоқли таржимон бўлмиш Асқад Мухтор кенгаш раиси этиб тайинланди. Бирга чўтлаб қарасак, таржима ишини юксак даражага кўтариш учун бизда катта кучлар бор экан: русчадан ўзбек тилига ағдарадиган мутахассислар кўп, бири биридан аъло, инглизча ёки французчадан тўғридан тўғри таржима қиладиган кадрлар ҳам бор. Энг муҳими, бизнинг фикримизча, ўзбек адабиётини бошқа халқлар орасида тарғиб қилиш, бунинг учун кенгаш атрофига ўзбекчадан бошқа тилларга бадиий таржима қила оладиган кучларни йиғиш ва ишга тушириб юбориш эди. Асқад Мухтор, одатдагидек, ҳаракатни юқори пардалардан бошлади. Тез орада бизнинг жамоамиз бошқа ижодий секциялар орасида «ота кенгаш»га айланди. Бу иш Асқад Мухтор қайтадан Ёзувчилар уюшмасининг раис муовини бўлиб сайланганидан, мен драматургия кенгашига котиб бўлиб ўтганимдан кейин ҳам баракали давом этди.

**Хотира ўчмасдир, хотира мангу!**

...Афсус, ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб, шеърият садолари турли-туман баёнотлар тўлқини остида қолиб, таржима кенгашининг нафаси ўчди-кетди. Асқад ака ҳам раис муовинлигини топшириб, эркин ижодга қайтди.

Ёзувчилар уюшмаси йўлакларида кимдир ғала-ғовур кўтариб, кимлардир деворга ёпиштирилган «Москва янгиликлари» газетаси атрофида ғимирлаб, кимлардир «Абдулла Қодирийнинг Ўтган кунлари» пъесаси муносабати билан Иззат Султонга ташланиб турган пайтлар. Ўлтириб ишлайдиган кам қолган...

Қайси бир драматургнинг қўлёзмасини ўқиётган эдим, бесас юриб хонага Асқад ака кирдилар. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Адабиётнинг барча юкини тортиш бир кишига оғирлик қилмаяптими, деб ҳазиллашди у киши, чеҳраси очилмаса-да. Менинг ҳам гапим йиғилиб қолган эди, юрагимни очдим:

— Адабиёт юкини етиб келган жойига қўйиб турсак-да, икковимиз водийни бир айланиб қайтсак, қалай бўларкин? Сиз Фарғонада ўзингиз туғилган тупроқнинг дийдорига тўярдингиз. Шеър ўқиб берардик, кўнгил тўлмаса, ҳўп, бизнинг Наманганга ўтардик. Ҳабиб бизни жуда яхши одамлар билан учраштириши мумкин.

Асқад ака бир оз ўйланиб турди, — қадрдон диёрини кўз олдидан ўтказган бўлса керак, — сўнг бошини енгил чайқади:

— Бизни билганлар қоптими ҳозир? Эшитганлари ҳам ўз ташвиши билан овора...

Асқад аканинг гапида жон бор эди, айниқса Қувасой ва Қўқон воқеалари муносабати билан. Шу-шу, сафар ҳақида бошқа сўз очилмади. Очиғини айтиш керак, Асқад Мухтор булутли кайфиятини ҳадеб ва ҳаммага дастурхон қилаверадиган киши эмас эди. Мен ҳам унинг дилгироқ кайфиятини фақат бир марта, мана шу эслаган лаҳзамда кўрганман, холос.

Бошқа бир сафар Асқад ака бизнинг хонага, одатдагидек, очилиб-сочилиб кириб келди.

— Ҳа, сездим, янги асар битирганга ўхшайсиз, — дедим табриклашга ҳозирланиб.

— Битирганимга анча бўлган. Босилиб ҳам чиқди. Ўқимадингизми газетада? — Ҳеч қачон мақтанмайдиган киши кўрсатгич бармоғини кўтарди. — Бу менинг энг зўр асарим!

— Наҳот? Ҳозир газеталарда надоматга тўла «даъво-достон»лардан бошқа нарса босилмаяпти-ку!

— Ана, босилди. Сиз топиб ўқигунча, олам яна ўзгариб кетиши мумкин. Ўзим қисқагина айтиб бера қолай.

Воқеа мундоқ экан: Тошкентнинг маркази — Асқад Мухтор яшайдиган маҳалладан яқиндагина Абдулла Қодирий номини олган кўча ўтади. Ўнг ва чап қўл кўчаларнинг ўртасида, Олой бозоридан бошланиб, «Ганга» дўкони олдида тугайдиган, кенглиги қирқ-эллик метрларга борадиган тераксор бор. Кейинча қандайдир мақсадда фойдаланиш учун қолдиришган бўлса керак. Шаҳар ҳокимиятининг иши ва ташвиши кўп бўлади одатда. Шунинг учун бу улкан тераксор қаровсиз ётавериб, жуда паҳмоқлашиб кетган, — кундузи ўтадиганларнинг кайфиятини бузиб, кечаси ўтадиганларнинг юрагини ёрадиган даражага бориб қолганди. Асқад ака шаҳар табиатини яхшилаш, хусусан ушбу тераксорни парваришлаб, уни маҳалла аҳли, ҳатто шаҳар аҳли ҳордиғини ёзадиган гўзал оромгоҳга айлантириш мумкинлиги ҳақидаги ўз мулоҳазаларини, пўписа қилмай, ширин тил билан қоғозга туширибди. Тез орада у газетада босилиб чиқибди. Кўп ўтмай, тераксорга оро бериш, йўлкалар очиб, ўриндиқлар ўрнатиш, ёритиш бўйича ишлар қизиб кетибди. Бундан ҳаммаҳаллаларнинг кўзи қувонган бўлса, Асқад Мухторнинг кўнгли тўлибди: худди ўнлаб шеърий китоблари, «Пўлат қуювчи», «Катта йўлда», «Мангуликка дахлдор» каби достонлари, «Қорақалпоқ қиссаси» ҳамда «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор» каби романларидан қаноат ҳосил қилганидай! Асли касбим ўрмончилик бўлгани учун табиат билан салом-алик қила олган кишининг қувончига шерик эдим, албатта.

Асқад Мухтор суҳбатларида, ҳатто маъруза қилганида ҳам қаттиқ гапирмасди. Лекин бу синиқ овоз эмас, тиниқ овоз эди. Бу овоз ҳаммага бехато етиб борарди. Сўзининг мағзи кўнгилдан жой топиб, илдиз отарди.

Асқад Мухтор қаерда ишламасин, атрофида ҳаёт қайнаб, фикр жўш уриб туришини истарди. 1970 йил баҳори, «Гулистон» журналига муҳаррирлик қилаётган кунларида мени чақиртириб, адабиёт бўлимига мудир бўлишни таклиф қилди. Мен яқиндагина автомобил билан «тўқнашиб», миям бироз эҳтиётталаб бўлиб қолгани сабабли оғир меҳнатдан «қочиб» юрган пайтларим эди. Шунинг учун дарров жавоб бера олмадим. Асқад ака кулимсиради:

— «Гулистон» юпқа журнал, бор-йўғи тўрт босма табоқ. Уни ўзимиз ҳам қийналмай, бор ходимлар билан чиқараверамиз. Сиз келсангиз, ана — хона, мана — адабий ходим. Ёнгинангизда, торроқ бўлса ҳам, шахматхона бор. Шу ерни обод қилсангиз, ёнингизга ижодкор дўст-ўртоқларингиз йиғилиб келади. уларни аста чалғитиб, журнал учун ишга солишни бизга қўйиб берасиз.

Бундай лутфга рад жавоб бериш мумкин эмасди. Асқад Мухтор, менимча, ҳаётдан ҳам ҳеч қачон рад жавоб эшитмаган. У бағри кенг инсон эди, олам унга ўз кенглигини кўрсатди. У парвозни севарди, умри ҳам юксакда ўтди. У адабиётни қанча ҳурмат қилган бўлса, ижоди ҳам шунча баракали ва баркамол бўлди. У Ватанни қандай ихлос билан севган бўлса, халқимиз унга ўз муҳаббатини шундай саховат ила намоён этаётир.

# ҚАЛАМ ДЕҲҚОНИ

**Машҳур рус шоири Римма Казакова шеърият ҳақида таъриф берар экан, шундай ёзади:**

**Шеърият бу мардона меҳнат,**
**Қўш ҳайдамоқ, ҳалол тер тўкмоқ.**

**Шеърнинг машаққати, унинг тоғдек зил юки остида юрак гоҳ тегирмонда тортилган буғдойдек уқаланиб кетади. Тинимсиз хаёл, ёзиб-чизишлар, мутолаа, интизом билан меҳнат қилиш, қўшиқдан тортиб шеърий романгача қўл уриш учун ҳақиқий паҳлавон қалам деҳқони бўлмоқ даркор. Шу маънода шоир Ҳусниддин Шарипов ўзининг сермаҳсул ижоди билан юқоридаги таърифга жуда мос келади. Шоирнинг «Тановор», «Тупроққа қасида» достонлари 60-йилларда мухлислар ва ёш шоирлар даврасида қўлдан тушмасдан ўқиларди. Бу асарлардаги равонлик, оҳангдорлик, ҳар бир сўзнинг халқона жилоси бизларни мафтун этарди. Айниқса, мушоираларда Ҳусниддин Шарипов шеър ўқигудай бўлса, унинг каштачи қизнинг ипагидек обдон сараланган сўзлари залда акс садо берарди. Сўнг шоирнинг «Бир савол» ва «Сотволдидан салом» йирик шеърий асарлари дунё юзини кўрди. Бу асарлар чинакамига қаттиқ меҳнат ва тафаккур мевалари эди... Мен «Шарқ юлдузи» журналига ишга келганимда бу олийжаноб ва камтарин инсоннинг ёшларга меҳрибон мураббий, бағри кенг устоз бўлганини кўрдим. Ёшларнинг шеърида умид учқунлари кўзга ташланса, Ҳусниддин ака қора терга тушиб, таҳрир қиларди, қоғоз худди шудгор мисоли ёзувларга тўлиб кетарди. Бу меҳнатини шоир бировга сира таъна қилмас эди. Унинг атрофида доим ёш шоирлар тўп-тўп бўлиб юришарди. Ҳусниддин ака уларга янги мавзулар, яхши ғоялар берар, достонлар ёзишга ундар ва ҳар бир ёзилган янги асарни жон дили билан ўқиб чиқиб маслаҳатини аямас эди. Менинг «Келинчак» достонимни у киши қайта-қайта ўқиб ўз фикрларини айтганлар. «Шарқ юлдузи» журнали чинакамига адабиёт дорилфунунига, ёшлар учун тажриба устахонасига ўхшаб кетарди. Раҳматлик Юсуф Шомансур, Сайёр, Тўлқин, Анвар Исроилов, Хайриддин Салоҳлар адабиётимиз хонадонига баҳор элчиларидек қалдирғочларни — ёшларни етаклаб олиб киришган.**

**Мана шу меҳрпарвар, адабиёт фидойиларидан ёшларнинг энг жонкуяри Ҳусниддин Шарипов жуда кўп сўлим ғазаллар, ажойиб таржималар ва мазмундор китоблари билан, шеъриятдай мусаффо қалби билан қутлуғ 70 ёшга етибдилар. Бу умрнинг барча довонларида шогирдларининг миннатдорлик ва қарздорлик туйғуси тўла эҳтиромлари чироқдай порлаб турибди. Садоқатли, одамжон, меҳри иссиқ гўзал Раҳбархон опамизга, билимдон икки ўғил, икки қизингизга, набираларингизга, сизни ҳамиша ардоқлаб келган мухлисларингизга ҳам сизни қутлаш бахти насиб этгани халқимизнинг бахти дегим келади. Шуҳратли меҳнатингиз дарахти меваларидан узоқ йиллар эл-юрт баҳраманд бўлаверсин.**

**Ойдин ҲОЖИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоираси**

Адабий манзар

# ЕВРОПАГА ЧИҚИШ ҚИЙИНМИ?



Ғарблик мутахассислар билан суҳбатлашсангиз улар адабиётимизни ўта анъанавий деб ҳисоблашаётгани ойдинлашади. Ҳатто мамлакатимизда баъзи рус адиблари ҳам ўзбек адабиётини анъанавий адабиётлар қаторида санашади.

Ҳақиқатан ҳам шундайми? Дунё рейтинг жадвалини хаёлан кўз олдимизга келтирсак, ёзувчиларимиз нечанчи ўринни ишғол этишаркин? Албатта, санъат – бу спорт эмас. Санъатдаги натижалар очко билан белгиланмайди. Қардош қозоқ, қирғиз, тожик адабиётларидан жаҳонга номдор вакиллар чиққан бир замонда нафақат Марказий Осиё, балки қитъада ўз мавқеи, нуфузига эга мамлакатимиз ёзувчиларининг бу борада эришган ютуқлари қаноатланарли эмаслиги кишини ўйлантириб қўяди. Ахир Навоий, Машраб, Огаҳий, Чўлпон каби улуғ ижодкорларга эга ўзбек адабиёти бу даражага тушиб қолмаслиги керак эди-ку?

Инсоф билан баҳо берадиган бўлсак, Абдулҳамид Чўлпон бадиияти Р. Тагорникидан қолишмасди. Чўлпоннинг лирик шеърлари, "Кеча ва кундуз" романи Европа миқёси ўлчовларига тўғри келганлигини жаҳон туркологлари эътироф этишмоқда. Аммо, замон зайли унинг ўз вақтида жаҳон бўйича довруғ таратишига йўл қўймаган. Биламизки, Чўлпон замондоши Р. Тагорнинг Нобел мукофоти билан тақдирланишини қутларкан, ҳавасини ҳам яширмайди. бунинг омилларини бир-бир санайди. Р. Тагорни Англияда қадрдон дўстлари борлигини, ўзи ҳам инглизчани яхши билишини, Европада ҳомийлари кўплигини батафсил ёзади. бундай кузатувлар остида ўз тақдирини ўйлаб чекилган афсус-надомат шарпасини сезамиз. Гарчи Чўлпон немис тилини бир қадар билса-да, асарларини Р. Тагорга ўхшаб тарғиб лама қилолмаган, Москвадан ташқари бошқа Европа мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқаолмаган. Шу боиски, овози хорижга етиб бормади. Германияга ўқишга кетган талабалар унинг номини Европанинг кичик доирасида танитишга улгуришди, холос. Немис тилида нашр этилган кўпгина рисолаларда Чўлпон номини учраб туришига боис шу.

Р. Тагор ҳинд адабиётини жаҳонга олиб чиқди. Ҳозирги замон ҳинд адибларининг аксарияти инглиз тилида ёзадилар. Уларнинг ҳам Европада мавқеи юксак. Расмий хабарларга қараганда, татар шоирлари баёзи ҳам Англияда босилиб чиққан. Осиёнинг бошқа давлатлари, жумладан Япония, Хитой, Корея адабиёти жаҳонда ўз баҳосини аллақачон олди. Қардошларимиз турклар эса бу борада нолимасалар ҳам бўлади: улар ижодидаги услубий янгиланишлар зум ўтмай жаҳонга чиқади. Бу далиллар бошқа туркий давлатлардан фарқ қилароқ мамлакатимизнинг Ғарб билан адабий алоқаси сустлигини кўрсатади.

Тўғри, баъзан адибларимизнинг асарлари ғарб тилларга ўгирилган. Лекин бу кабидаги таржималар ҳозирги замон ўзбек адабиёти мавқеини кўрсатиб билмайди. Ҳали жаҳон миқёсида ХХ аср ўзбек тафаккур йўсини тан олинмаган. Дунё мунаққидлари, бизнингча, ўзбек ёзувчиси ҳақида тугал тасаввурга эга эмас.

Ёзувчи Темур Пўлатов, шоир Шамшод Абдуллаев Ғарб мамлакатларида анча машҳур. Аммо, бу адиблар рус тилида ёзадилар. Демак, русча фикрлайдилар. Бинобарин, иккала адиб асарлари кўпроқ рус адабиётига даҳлдордир. Кўриниб турибдики, Европада миллий адабиётимизнинг мавқеи ҳақида гапиришга ҳали вақт бор...

"Жаҳон адабиёти" атамаси "жаҳон халқлари адабиёти" тушунчасини бермайди, албатта. Дунёда қанчадан-қанча тил бор. Шу тилларда яратилган бадиий асарлар мавжудки, уларнинг барчаси ҳам умумбашарий қийматга эга эмас. Аксарият ижодкорлар ўз миллатлари дарду ғамини бадиий талқин этишади. Дейлик, Америкада кечган фуқаролар урушига бағишланган романлар ўзбек ўқувчисини маҳлиё қилмаслиги мумкин. Ёки аксинча, Ўрта Осиё минтақасидаги шўролар даври қолдиқлари, қатағон асоратлари, ҳатто хонлик тузуми емирилишини акс эттирган қисса ва романлар америкалик китобхон диққатини тортмаслиги ҳам жуда мумкин нарса. Қолаверса, инглизлар ва ўзбеклар менталитети жиддий тафовут қилиши ҳам бор гап. Ана шунинг учун бизда энг зўр дея баҳоланган асарлар уммон орти мамлакатида у қадар муваффақият қозонавермайди. Ва баъзан минтақамизда унчалик кўзга кўринмаган ёзувчилар ғарбда ўз мухлисларини топадилар. Ҳар ҳолда, Европада дунё халқлари адабиётининг "қаймоғи" йиғилади деб тахмин қилишади. Бу мулоҳазалар ҳақиқатга монанд келиш-келмаслигини энг олий ҳакам – Вақт аниқлайди. Эҳтимол, ғарбда интеллектуал даража юксалиб кетгандир?

Бир вақтлар дунё Арабистонга интилган эди. Инчунун, Аз-Замахшарийга ўхшаган алломаларимиз араб тилида ижод қилишган. Ва Ислом дунёсида машҳури жаҳон бўлганлар. Алишер Навоийдан тортиб токи Огаҳийгача араб, форс-тожик тилини пухта эгаллашган. Эндиликда глобаллашувда инглиз тили етакчилик қилмоқда. Дунё Европага интилаётир.

ХХ асрда Европа ўзини ўзи обдон ўрганди. Болшевизм билан фашизмни ўзаро тўқнашуви мазкур жараённи анча тезлаштириб қўйди. Ўзининг маънавий захираларини ўзлаштириб бўлган давлатлар, табиийки, бошқа минтақалар маънавиятига қизиқади. Европанинг Ўрта Осиёга ихлосини шу билан изоҳламоқ мумкин.

Миллатшунослар бирор халқ феноменини яхлит равишда тадқиқ этадилар. Бу системага тафаккур тарзи ифодаси сифатида адабиёт ҳам киради. Ҳатто одамларнинг кўрган тушлари баённомасини магнит тасмасига ёзиб олиб тадқиқот ўтказадиган миллатшунослар ҳам бор. Бинобарин миллий адабиёт барибир эътибордан четда қолиб кетмайди.

Ғарб новаторлиги ҳам нуқул манфий қирралардан иборат эмас. Балки, Ғарб маънавияти бўҳронга учраган чоғда Шарқ ёрдам қўлини чўзар? Не бўлса-да биз ҳайрат туйғулари оҳорини тўкмай турганидан шодланмоғимиз керак. Тобора илгарилаб бораётган Ғарб одамлари ҳеч нарсадан ҳайратланмай қўймоғи ҳам мумкин.

Айни вақтда глобаллашув асрида яшамоқдамиз. Жаҳон иқтисодда ва маънавиятда бир хилликка интилмоқда. Икки лагер системаси барҳам топган. Айни вақтда бозор иқтисодиёти менталитет ўзгарувига сабаб бўлаётир. Эндиликда ўрта осиёликлар ҳам ғарбликларга ўхшаб танлаш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Алҳол мамлакатимиздаги китоб бозори фақат ўзбекча бадиий асарлардангина иборат эмас. Россия нашриётларида чоп этилган турлича шаклдаги, турлича мазмундаги китоблар адабиёт мухлиси дунёқарашини кенгайтираётгани аниқ. Бундан ташқари пойтахтимизда Англия, Германия ва бошқа давлатларнинг кутубхоналари бор. Ўша китоб хазиналари инсониятнинг асл тафаккур тарзидан сўзлайди.

Икки авлод – оталар ва болалар орасида зиддият ҳосил бўлиши табиий ҳол. Бинобарин, Европа тафаккур йўсини минтақамизга кириб келиши билан катта авлод ва ёш авлод ўртасидаги фикрий зиддият чуқурлашиб кетди. Катта авлод Ғарбнинг турлича йўналишларига бир қадар истеҳзо аралаш қарайди. Бу алфоз Ғарбнинг ўзида ҳам рўй кўрсатган эди. Хусусан, Фридрих Ницше "Мен ҳурмат қиладиган сўнгги немис бу Гётедир" деб бежизга ёзмаганди.

Фикрий жараёндаги шундай талатўплардан кейин ҳам интеллуктуал мулкка муносабат ўзгармай қолди. Кимки Ғарбда адабиётнинг, хусусан, шеъриятнинг қадри йўқ, деса янглишади. Ғарбда адабиёт минтақамизга нисбатан балки ўн чандон кўпроқ қадрланади. Биз турли давлатлардаги немис шеъриятини ўзида жамлаган "Севги ҳақида шеърлар" ёки инглиз тилида битилган дурдона шеърларни бир жилдга жо этган "Миллатнинг энг яхши шеърлари" каби баёзларни кўрганмиз. Бироқ, ижодкорларимизнинг тил билмаслиги, ғарбшуносларимизнинг савияси ўртамиёналиги боис бу китоблар ҳали истеъмолимизга кирмай турибди.

Адабий алоқалар жабҳасида бир бўшлиқ ҳосил бўлган: у ёқдаги кашфиётлар ўз вақтида аслича бизга кириб келолмаяпти. Биздаги янгиликлар у тарафга ўтмаяпти.

Ушбу мақолани ёзишдан аввал таниқли ғарбшунос, немис тили билимдони, филология фанлари номзоди, доцент Шавкат Каримов билан маслаҳатлашиб олган эдим. У, Ғарб давлатлари орасида Германияда адабиётимизга қизиқиш кучли, деди.

Германия жуғрофий ўрни ҳамда тил салмоғига кўра ўз қитъасида юқори мавқега эга.

Харитага назар ташлайлик: Германия, Швейцария, Австрия давлатлари халқи асосан немис тилида гаплашади, бу давлатларга эса Дания, Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Хорватия, Италия, Франция, Белгия, Голландия каби мамлакатлар чегарадош. Лондон шаҳри ҳам унчалик узоқ эмас. Демак, немис тилига қилинган таржималар қўшни мамлакатларга тез ўтади. Англия – Ғарб давлатлари билан Америка қитъасининг кўприги ҳисобланади. Алҳол, айнан немисзабон давлатлар қизиқиши катта воқеаларга боис бўларкан.

– Германияда ўзбек адабиёти ҳали чуқур ўрганилмаган, – дейди Шавкат Каримов, – Тадқиқотларнинг кўпчилиги қомусий характерга эга. Масалан, ёзувчиларимизнинг таржимаи ҳоли, қандай асарлар ёзгани хусусида ахборот беришади. А. Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони Алфред Курелла тарафидан немисчага ўгирилган. А. Қодирий, А. Қаҳҳор, Ғ. Ғулом, А. Мухтор, У. Назаров, Ў. Ҳошимовнинг баъзи асарлари немис тилига таржима қилинган.

"Бу соҳада сусткашликка сабаб нимада деб ўйлайсиз?" – деган саволимга олим: "менимча, шарқшуносларнинг Ғарб тилларини пухта билмагани сабаб бўлса керак", деди. Ш. Каримовнинг айтишича, шарқшуносларимиз Ғарб тилларини билишса аҳвол яхшиланади. Негаки, Ғарб олимлари шарқшунослар билан тез мулоқотга киришадилар. Бундан ташқари ўз фанлари эҳтиёжига кўра шарқшунослар Ғарбга кўпроқ ташриф буюрадилар.

Ўз навбатида мамлакатимиз ғарбшунослари фаолияти ҳам қаноатланарли даражада эмас. Фақатгина, Шавкат Каримов, Робия Абдуллаева, Янглиш Эгамова каби олмоншунослар баҳоли қудрат вақтли нашрларда иштирок этишмоқда. Буларнинг ёзганлари ҳам Гёте, Шиллер, Ҳайнедан нарига ўтмайди. Ҳозирги замон немис адабий жараёни тўғрисида фикр билдирмайдилар. Ҳолбуки, уларнинг шахсий архивида бунақа материаллар тўлиб-тошиб ётибди...

Бирор халқнинг замонавий адабиёти умумбашарий тафаккур хазинасига ҳеч нарса инъом этмаса бу фикрий турғунликни далиллайди. Умумбашарий тафаккур хазинасидан ҳеч нарсани қабул қилмаслик эса миллий маҳдудликни шакллантиради. Бу икки ҳолат ҳам маънавий жабҳа кушандасидир. Ахир, қачонгача аждодларимиз шон-шавкати ортига бекиниб яшаймиз?

Энди мақоламиз аввалидаги саволга қайтсак. Спортчиларимиз мавжуд шароитлардан унумли фойдаланмоқдалар. Аммо, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар бунинг акси. Қанчалар орзу қилганимиз "Жаҳон адабиёти" журнали ҳар ойда чиқиб турибди. Марказий Осиё маданияти газетаси... Эшитишимизча, собиқ Иттифоқнинг ҳеч бир республикасида адабиётга бу даражада мунтазам ғамхўрлик кўрсатилмаётган экан. Ғарб давлатларида эса давлат адабиётга мутлақо аралашмайди: нашриётлар, газеталар якка шахсларнинг қўлидадир. Шундай шарт-шароитдан нима учун фойдаланиб билмаяпмиз? Фикри ялқовлигимиз панд бермоқдами? Ёки бошқа сабаблари ҳам борми?

Ҳазрат Навоийнинг фидойилиги, Чўлпоннинг минг уринишлари изсиз кетиши керакми? Бу саволлар одамни чуқур ўй-хаёлга толдиради ва жавоб ахтаришга ундайди. Биз миллат юраги кўзгуси саналмиш адабиёт борасида теран фикрлаб кўришга, унинг дунёвий аҳамиятини ақл чиғириғидан ўтказишга бурчлимиз. Негаки, мустақил давлат нону тузини оқлашимиз ҳам жоиздир.

**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

# ҲОРДИҚ МАНЗИЛИ

# ҲАММА КАКЛИКЛАРНИ ОТИБ ҚЎЙМАНГ



***Фарҳод Йўлчиев — таниқли журналист қаламкаш. Журналистика соҳасида дадиллик, жасорат, холислик, эл-юрт учун қайғуришни ёқтиради. Барча ёзаётган журналистик асарларида, публицистикасида ва ўзи ёниб-куйиб чиқараётган «Наманган ҳақиқати» газетасида шуларга қатъий амал қилади. Айтиш мумкинки, бу хусусиятлар унинг ижодий, инсоний эътиқодига айланган. Фарҳод журналистика билан бирга ундан зарра кам бўлмаган ҳолда спортга, унинг турларига ва айниқса гўзал теннисга жон-дилдан ошиқ. Тинмай теннис мусобақаларида қатнашади. Натижаларга эришади. Атрофидаги барча, ёшидан қатъий назар, кишиларни спорт билан, чопиш билан, табиатни ўрганиш билан шуғулланишга, табиатдан узоқ бўлмасликни даъват этади. Фарҳод жониворларни отишга ишқивоз бўлмаса ҳам, овга ишқивоз. Ов баҳона доим табиат ичида бўлади. Наманганда у билмаган жой йўқ, у қадам қўймаган тоғу тош йўқ. Жиндак бўш қолди дегунча ажойиб инсон ва теннисчи дўсти Баҳодиржон билан тоғларга чиқиб кетади. Гўзал Наманган тоғларининг ҳузури ва азаматини кўнгилларига шимирадилар. Фарҳод ов ҳақида қизиқарли ҳикоялар ёзади. Илгари Раҳим Бекниёз, Мавлон Икром, Шукур Ҳолмирзаевнинг ов ҳикояларини севиб ўқирдик. Яна қачон ёзишаркин деб кутардик. Фарҳоднинг ҳикоялари овнинг ўзига хос руҳига тўла. У лутфкорлик билан «Миллий тикланиш» ўқувчиларига ўзининг ов ҳақидаги ҳикоясини тақдим этди. Мана, ҳақиқатан ҳам, ов эмас, ов чоғидаги одамнинг туйғу, кечинмалари гўзал...***

Назаримда тоғлар одамларни синаш учун яратилган. Негаки, тоққа чиқмоқнинг, қоядан-қояга ўтиш машаққатларининг ўзи бир имтиҳон. Чўққининг устида эса баландлик, юксаклик деган ғалати бир мартаба борки, ўзингни барчанинг бошида кўрмоқ масъулиятини ҳам ҳазм қила олиш зарур. Ёинки халқона айтганда, ҳаволанмоқ қусуридан сақланиш ҳам юксакликка эришган кимсага озмунча синов эмас.

Ҳар гал тоғлар пойига борганда ана шу ўйлар кўнглимдан ўтади. Кўплар учун бўлганидек, менга ҳам тоғлар шикор ва ҳордиқ манзили.

Овда тоғлардан-тоғларга, даралардан-дараларга ўтиб қолганимни, сайхонликлардан чўққиларга қандай қилиб чиққанимни сезмай қоламан. Бу пайтда чарчоқ нималигини билмайман, ғойибдан куч-қудрат келаверади, келаверади.

Овчи гоҳо қадамларини тезлатса, гоҳо секинлатади, гоҳ бор кучини ишга солиб тоғ эчкиси ёки бирор жонивор ортидан қувийди. Ҳаммасидан ҳам жаннат қуши деб аталмиш — улар ови мушкулроқ. Бу қушларни излаб тоғларнинг энг баланд жойига чиқиш керак. Кекса овчиларнинг таъкидлашларича, улар гўштини истеъмол қилганларга жаннат эшиклари очиқ эмиш. Улар какликнинг ўзгинаси, фақат ундан бир неча баробар катта.

Қўлим бўш қолди ё жиндай имкон топилди дегунча милтиқни юкхонага солиб овга жўнаб қоламан. Табиийки, бундай ҳолларда ё Баҳодир менга эргашади ёки мен унга эргашган бўламан. Ҳамроҳсиз йўлга чиққан овчининг кунини ғурбат деяверинг.



***Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов: Какликларни отиб қўйманг!...***

Овчи овчига дил ёрмаса кимга гапиради, ахир? Мен бир ҳаддим сиғиб сўз бошласам, «илҳом»нинг белига тепди-ю, ўзининг «қаҳрамонлиги»дан достон тўқий кетди:

— Ўтган йили Қурбон оролдаги каклик ови эсингиздадир?

— Эсимда, — дейман ҳафсалам пир бўлиб.

— Ўшанда беш киши ўқ отиб, битта меники теккан эди...

Гапни қаранг, ахир мен ёнгинасида тургандим, питраси нам тортиб, милтиғи отилмай қолганини ҳеч ким билмаганидаям мен биламан-ку! Ахир ёнида қулоқ тутиб, ҳар замон кинояли луқмалар солиб тургувчи шериги бўлмаса кимга мақтанади?

— Фалон вақтда отган кийигимнинг калласи икки ярим пуд келарди, эслайсизми?

Табиийки, суҳбатдошимнинг энсаси қотиб, афти бужмая бошлайди.

— Унисини жиндайгина эсломай турибман, аммо ўшанда кийик савилни тортмаганмидик?

— Нимайди? — дейман бақрайиб.

— Нимага бўларди? — том устига том солади у. — Калласи икки ярим пуд чиқса, жуссасиям бирор тонна тош босгандир, а?

Аммо гапнинг ўғил боласи шуки, каклик овидан ҳам завқлироқ бирор ишнинг ёруғ дунёда бўлишига ҳеч қачон ишонмаган бўлур эдим. Мана яна Баҳодир иккимиз какликнинг пайига тушиб, Чотқолнинг кун ботаридаги Ҳожибекка келиб қолдик. Яна учтўрт ҳаваскор овчи йигит-яланг шотирларимиз ҳам бор.

— Сиз бу ерга шеър ёзгани келмагансиз-а! — кесатди Баҳодир.

унинг даккилаганича бор. Жонсарак шерикларим тошдан-тошга сакраб ўнгурда биқинган қушларни милтиғимнинг милига тўғрилаб берганларида ҳам қочириб юборган пайтларим кўп бўлган. Шуниси ҳам борки, ўтакаси ёрилган каклик қоя остидан шундай катта тезликда жуфтакни ростлайдики, унинг олдида қоплоннинг жаҳду суръатини тошбақанинг эмаклашига қиёслаш мумкин. Каклик овида дақиқалар эмас бир лаҳза масалани ҳал қилади. Тўғри нишонга олишни уддасидан чиқиш керак. Нима бўлгандаям миришкор, яъни биз каби ишқибозлар олдида овчилар сардори дейиш мумкин бўлган Баҳодир ҳақ.

— Тўғри, — дейман бўйсуниб. — Биз ов қилгани келганмиз.

— Ҳа, балли. Бугун тепага чиқасиз, каклик қувиш машаққатини ҳам кўриб қўйинг, — «команда» қилади у. Начора, ишнинг кўзини биладиган одамга «хўп» дейишдан ўзга илож йўқ.

Аслида каклик қувиш сира ҳам машаққат эмас, роҳатнинг ўзгинаси. Аммо тепкини босиш қийин, жонивор шундай ёқимли потирлаб, гўзал учадики, овнинг бор нафосати, шавқи шунда. Мен ҳалиги «амр»га биноан оёқларим остидаги қорни ғичирлатиб тепага кўтарилар эканман, умрбод эсдан чиқмас каклик ови хаёлимга келди. Ўшандаги Ўткир Ҳошимовнинг «Ҳамма какликларни отиб қўйманг» деган ўтинчи ҳамон қулоқларим остида қўнғироқдай жаранглаб турибди.

Гап шундаки, эл севган адиб ўша кунлари Наманганнинг меҳмони эди. Биз маҳаллий ижодкорлар пойтахтнинг ва бутун республиканинг дилтортар нафаси уфурган нафис суҳбатлардан ҳар замон баҳра олиб, сиҳатгоҳдаги Ўткир акадан-да яйрароқ ҳордиқ чиқариб қайтардик. Бир гал у кишини овга таклиф қилдим, ҳурматли меҳмон бажону дил рози бўлди. Табиат ошиғи бўлган улуғ ёзувчи овнинг завқидан албатта бебаҳра эмаслиги кўнглимдан ўтди. Ўрни келганда айтгим келадики, овга бағишланган фурсат сайёдга берилган қўшимча умрдир. У азал котиблари битган умр дафтарига кирган эмас. Биз туфайли овда ўтказган дамларнинг қайси бир чизгилари «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» қаторидан ўрин олса ҳам ажаб бўлмағай...

Милтиқни у ёқ-бу ёғини кўрдим, ўқни жойлаб Ўткир акага узатдим.

— Бошлаб берсангиз, устоз.

— Бу иш қўлимдан келмайди.

Биз тонг қолдик. Чунки у милтиқ отишни эмас, она табиатнинг безаги, зеб-зийнати бўлган безабон, бегуноҳ жонзотларга ўқ узишни назарда тутаётганини англаб турардик. Хаёлимга Ўткир Ҳошимов битган китобларнинг яхлит фалсафаси келди. Уларнинг бари икки эшик ораси, яъни ҳаёт деган бир мартагина берилувчи мўъжизанинг мадҳидан, таҳлилидан, хулосасидан иборат. Бир эшикдан кирмоқ бор, яшамоқ бор, шодликлар бор. Иккинчисининг ортида эса... Шу топда инсониятнинг ашаддий душмани бўлмиш Дажжол ҳам бу улуғ инсоннинг қўлига милтиқ тутқаза олмаслигига амин эдим. Чунки Ўткир Ҳошимов иккинчи эшикдан у ёғини чумолига ҳам раво кўрмайди.

— Менга узр, — деди у яна кўнглимизга қараб. — Тоза ҳаводан нафас олай, тоғларга тўйиб олай.

— Майли, — дедим мен.

Биз милтиқни елкага осиб, йўлга отланарканмиз, Ўткир ака ўтинди:

— Ҳамма какликларни отиб қўйманг, а!

Шу куниси мен ўқ узгим ҳам келмади. Биламанки, «овчи — табиатнинг дўсти» деганлари ҳам шунчаки бир нақл. Негаки, овчида ҳам овчи бор, қолаверса у ҳам хом сут эмган банда, тирик инсон, демак нафси бор. Менга қолса, ўша топда милтиқ отишдан ўзини тийган Ўткир Ҳошимов тоғларга, парранда ва жонзотларга, водийнинг бетакрор табиатига барчаларимиздан ҳам яқинроқ, меҳрибонроқ эди. Шунга қарамай ўзи билмаган ҳолда Ўткир ака томирларида овчи қони жўш урарди. Агар шундай бўлмаганда у тоғлар бағрига, каклик овига келармиди?

Буни қарангки, халқ ёзувчисининг овдаги насибаси ҳам бутун, ризқи баракали эди, каклилар шундай «сийлашди»ки. Ҳеч қанча ўтмай изимизга қайтдик, шерикларим отган ўлжалар зиёфатга етгудай бўлганди.

— Энди биз каклик тозалайлик, сиз эса гулхан ёқинг, — дедим Ўткир акага.

— Бу иш қўлимдан келади, — илжайди у.

Арча чўплари остида аввалига чироқнинг пилигидай олов милтиллади, сўнг чарсиллаб аланга кўтарилди. Қуёшли қалами билан китобхонлари қалбини чароғон қилган Ўткир Ҳошимовнинг тоғдаги гулхани юзларимизни ёритиб юборди. Кабобхўрлик бошланди. Билиб турибманки, яқингинада учиб-қўниб юрган озод қушчаларнинг сихга тортилиб, ўтга товланиши Ўткир акани ҳамон ачинтирмоқда. Овчиларнинг баҳс-мунозаралари авж олди.

— Какликлар ҳам анойи эмас, — қилмишимизни оқлаш ниятида изоҳ бераман. — Дарров сайёднинг домига тушиб, ўқига уча қолмайди. Бу тақдир-ку, арслоннинг насибаси кийик деган гапни ўзингиз яхши биласиз, қай бир жонзотнинг куни битган бўлса, ўлжа бўлади. Қолаверса, бугун овнинг қатъий қоидаси, меъёри бор, ундан ортиғини овчининг виждони ҳам кўтармайди. Иннайкейин бу йилгидай қор мўл ёққан йил-

### Баландлик

лари каклилар ўзи ҳам кўп нобуд бўладики, ундан кўра бир қисмини отиб олган маъқулроқ. Шуниси ҳам борки, қиш қаттиқ бўлса, баҳорда макиёнлар жуда «серфарзанд» бўлишади. Яъни одатдаги 5-6 ўрнига 10-12 тадан жўжа очадилар...

— Барибир уларни асраш керак, дўстим, — қатъият билан таъкидлади Ўткир ака.

Унинг қараши тўғри, фикри ҳақ эди. Умр бўйи оҳу кўзлар мақтовини обдон келтирган одам кийикка ўқ узишни оқлай олмаслиги аниқ. Милтиқ ила каклик овламоқдан кўра сўз сеҳри ила кўнгил овламоқ Ўткир акадай дарёдил инсонларга минг-минг карра аъло...

Ўткир Ҳошимов иштирокидаги ўша овдан буён анча вақт ўтди. Шу топда Баҳодирнинг буйруғи билан каклик қувлаш учун чўққига борар эканман, энг баланд қоя устида Ўткир ака ўтиргандай, яна менга танбеҳ бераётгандай туюлди. Мундай ўйлаб қарасам, у киши чиндан ҳам юксакларда эканки, у ерга ҳеч бир овчи ета олмайди. Зеро милтиқ кўтарган овчи учун каклик қўнган чўққиларни забт этиш саноқли фурсатда битадиган юмуш. Аммо Ўткир Ҳошимов бўйсундирган юксакликка эришмоқ учун жимитдай қалам билан йиллаб йўл юрмоқ зарур. Шунда ҳам етган етади...

Мана ҳозир ҳам адиб энг баланд чўққига чиқиб олган, кўз олдимда турибди. Қулоқларим остида эса жаранглаган сўзлари:

— Ҳамма какликларни отиб юборманг, а!

Беихтиёр таққа тўхтадим, милтиғим қўлимдан тушиб кетди, тошларга урилиб акс садо берди. Потирлаб учган какликлар сеҳри ақлимни олди.

**Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ**

*“Бурчмуллада куз“.*



***Мусаввир О. Қозоқов:***

***Тамошо қил, ташвишни тарк эт,***
***Тўй тоғларнинг ойжамолига.***
***Маъсум фасл мазмунига ет,***
***Ошно тутил Ортиқалига.***
***Минг шохин ташлайди тошга.***
***Қоя узра қотиб қолган сел –***
***Бир қатим нур рангпар қуёшдан.***
***Тахайюлинг тарқаб ногаҳон***
***Тушгунг ношуд сайёд ҳолига.***
***Қушларнингми қони сачраган***
***Ногоҳ ташла ол зардолуга.***
***Арча – зумрад, нуқра – наъматак,***
***Турфа рангда товланар ўрмон.***
***Аниқ аксин йўқотмиш андак,***
***Увадага ўралган осмон.***
***Зар хазонлар тилла томчиси***
***Дўланалар танин ёполмас.***
***Зарангми зирк, забаржад тусли –***
***Бўёғи Ван Гогда топилмас.***
***Терак тутиб заъфарон байроқ,***
***Чапак чалиб келтирар ҳушни.***
***Боши тошдан қорайган ёнғоқ***
***Мезонларга улайди қишни.***
***Кўнгилнинг ҳур ҳилқатидир бу,***
***Келиштириб айтиб бўлмас сўз.***
***Секин-аста кўз ёрар туйғу:***
***Сана. Имзо. “Бурчмуллада куз“.***

**Ҳол МУҲАММАД ҲАСАН**



# ОЙ ТОВОҒИДАГИ СИРЛАР

Ой мақомларининг ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамларга таъсир кўрсатиши маълум.Жуда қадим замонлардан бери Ой мақомларининг бешта ҳолати ердаги ишларга қандай таъсир қилишини кузатиб борганлар. Бу ҳолатлар: янги Ой, Ойнинг илк чораги, тўлин Ой, Ойнинг шом ейиши, Ойнинг буржадаги ҳолати. Ой ўзининг Ер атрофидаги йўлини тахминан 28 кун ичида босиб ўтаркан, унда доимо ўзининг фақат бир тарафинигина қаратади (Ер ўз ўқи атрофида айланади). Ой Ер билан Қуёш ўртасидан ўтаркан, унинг ерга қараган юзи тўла қораяди. Бу пайтда у Қуёшга яқин бўлгани учун кўринмайди. Ерда янги Ой чиқади. Бу даврда (у иккиуч кун давом этади) Ой Қуёш билан биргаликда битта буржда ҳаракат қилади. Мисол учун январ ойида янги Ой доимо Жадий буржида, августда эса — Асад буржида бўлади. Тақвимларда янги Ой одатда қора доира тарзида ифодаланади. Одамлар, ўсимликлар ва турли маҳлуқлар бу пайтда қисқа бир вақт мобайнида алоҳида бир ҳолатларни бошдан кечирадилар: янги Ой чиққан пайтда рўза тутиш касалликларнинг олдини олади, чунки бу даврда инсон аъзоларининг турли заҳарлар ва шиллиқлардан халос бўлишга ҳозирлиги ўзининг энг чўққисига кўтарилади.

Янги Ой чиқадиган маҳалда тахминан бир неча соат ичида Ойнинг Қуёшга қараган тарафида ингичка ўроқ пайдо бўлади (унинг Ой сатҳидаги тархи чапдан ўнгга қараб ўсади) — ва янги Ойнинг ўроғи ўз манзиллари томон ҳаракатга киради. Ушбу манзилларда Ой алоҳида таъсирчанлик касб этади. Ой тўлгунча ўн тўрт кун ўтади ва у Ойнинг 1 ва 2-чорагини ўз ичига олади (ҳар чорак бир ҳафта давом этади). Мана шу икки ҳафта мобайнида инсон аъзоларига уларни тиклаш ҳамда қувватлантириш учун нимаики юборилса, ҳаммаси икки баробар ортиқ куч билан таъсир ўтказади. Бошқа бир жиҳатдан Ой тўлиб борган сари жароҳатларнинг битиши ва операцияларнинг ўтиши қийинлашади.

Ой Ер теварагида ўз ҳаракатининг тенг ярмини ўтагач, унинг Қуёшга қараган қисми кўк бағрида ярқираган тўлин доира сифатида кўзга ташланади. Тўлин ой соатларида одамлар, ҳайвон ва ўсимликлар қандайдир кучларнинг таъсир кўрсатаётганлигини сезадилар. Ойкезиклар уйқу ҳолатида сайрга чиқадилар, яралардан кучлироқ қон салқийди, шу куни терилган доривор ўсимликлар қуввати ортади, турли жиноий қилғиликлар, ёқимсиз воқеалар одатдагидан кўпроқ содир бўлади.

Ой шошилмай бир маромда ўз йўлини давом эттиради, унинг қоронғу томони энди ўнгдан чапга ортиб боради — Ойнинг шомга кириш фазаси бошланади, у ўн тўрт кунга чўзилади (3- ва 4-чорак). Бу даврда Ойнинг яна ўзига хос таъсири сезилади. Операциялар яхши ўтади, ҳар қанча сифатли озиқ олинмасин, унинг семиришга таъсири кузатилмайди, инсон аъзоларининг турли хилтлар ва шиллиқлардан тозаланиши янги Ой чиққан пайтдан кўра осонроқ ва яхшироқ кечади.

Ер ўзининг Қуёш теварагидаги бир йилга чўзиладиган йўлини ўтаркан, у бир буржадан иккинчи буржга томон ҳаракат қилади ва ҳар бир буржда бир ой муддат туради. Ой ҳам Ер атрофида 28 кун айланиб, ўша буржларда 2-3 кундан мақом қуради. Ойнинг ҳар бир буржадаги туриши инсоннинг ўзи ва унинг алоҳида аъзоларига бўлакча таъсир ўтказади.

Уйғун мутаносиблик ичида яшаш — бу демак, бизнинг аъзоларимизга мунтазам таъсир кўрсатаётган ўзгаришларни инкор этмаслик, оқимга қарши бормаслик кераклигини англатади. Бу табиат ҳамда йил фаслларининг ритмларига оқилона қулоқ тутиш зарурлигини билдиради. Худди шу нарса одамга ўз аъзоларининг ҳолатини англашга ёрдам беради. Табиат бизга тушиш ва кўтарилиш, нафас ростлаш, қувватга кириш, сабоқ орттириш дамларини ато этадики, биз бундан фақат хурсанд бўлмоғимиз даркор.

## ОЙ ҲОЛАТЛАРИ

Ой тўлган пайтдан эътиборан унинг яна янгиланиш учун йўл олиши, Ой шомга кирган ўн тўрт кун ичида инсон ўз ният-мақсадларини амалга оширишда янгидан кучга тўлгандай сезади, даволаниш ва шифо топишда муваффақиятга эришади, шу билан бирга бошқа бир жиҳатлардан ишлар сустлашади, шифо жараёнлари қийин кечади. Энг муҳими — Ой қисқара бошлаганда инсон аъзолари заҳар ва шиллиқлардан тозаланади, ювади, қуритади, чиқариб ташлайди, мустаҳкамлайди, ҳаракатга киритади, қувватни сарфлашга ундайди. Янги Ой чиқишига яқинлашган сари куч-қувват орта боради. Тозалаш-поклаш билан боғлиқ муолажаларни Ой қисқараётган пайтларда ўтказилса — рўза тутиш, ҳаммомга тушиш, ювувчи ва тозаловчи чойларни пайдар-пай ичиш жуда ҳам яхши натижа беради. Худди шу нарсаларни янги Ой чиққан даврда қилиш қониқарли самара бермайди.

Уй хўжалигида ҳам тозалаш, кўтариш, ювиш ишлари Ой қисқараётган даврда осон ва сифатли бўлади.

Янги Ой чиққанда инсон аъзоларининг заҳар ва шиллиқлардан халос бўлишга ҳозирлиги энг юқори нуқтага чиқади. Янги Ой кўринганда бир кунлик рўза тутишни одат қилиб олган киши жуда кўп турли-туман касалликларнинг олдини ола билган бўлади. Бу кун бир қатор ишлар учун ва айниқса, чекиш, ичиш, кўп таом истеъмол қилиш кабилардан қутулишга ғоят қулайдир.

Янги Ой озиқлантиради, ўстиради, ўзлаштиради, ҳазм қилдиришга қулайлик яратади. Куч ва озиқ йиғади, қайта тиклайди, нафас ато этади, ростлайди, дам олдиради. Тўлин Ой яқинлашган сайин бу кучлар таъсири сезиларлироқ бўла боради. Организмингизни тиклаш, ростлаш, мустаҳкамлаш йўлидаги барча ҳаракатларингиз Ой тўлишадиган чоракларда кутилган натижани беради. Жисмингиз қабул қилишга тайёр, овқат миқдори ўзгармаган тақдирда ҳам, у тўлишиш, кенгайишга мойил. Эсингизда тутингки, аъзоларни олдиндан заҳарлар, хилтлар ва шиллиқлардан тозалаш билан сиз қувватлантирувчи ҳамда мустаҳкамловчи воситаларнинг кучини оширган бўласиз.

Янги Ой чоғида жисмдаги турли-туман етишмовчиликлар ўрнини тўлдириш, дармондорилар, минерал моддаларни қабул этиш, ҳазм қилиш кучаяди. Магний, калций, темир моддалари осон қабул қилинади.

Янги Ой чиққан пайтда жисмда, оёқларда хилтларнинг йиғилиши кўпаяди, уларни ҳайдовчи воситалар билан чиқариш қийинроқ кечади. Заҳарланиш, газандаларнинг чақиши, оғир ўтади. (Ой қисқараётган даврда аксинча, заҳарланиш уқубатларидан кўп чой ичиш, жуда оддий муолажалар воситасида қутулиш мумкин).

Янги Ой пайтида жисмимиз турли-туман суртма дорилардан яхши наф кўради.

Ой тўлиш пайти бошлангач, операциялар муваффақиятли ўтади, жароҳат тезроқ битади.

Ой тўлганда, бир кун рўза тутиш ғоят фойдали. Бу пайтда тўқималарда сув кўпроқ тўпланади, ҳужайралар мулойим тортади. Эмлаш ишларини эса ой тўлишидан уч кун илгари ўтказмаслик ва айниқса, ой тўлган куни эмламаслик керак.

Сизнинг бу нарсаларни билишингиз ўзингизга жуда фойдалидир.

Ой ҳолатлари, чоракларнинг жисму жонингизга қандай таъсир ўтказишини билиш кундалик ҳаётингизни табиатга мослаб кечиришингиз, кўп касалликлардан сақланишингизга ёрдам беради. Ой қисқараётганда аъзоларни заҳарлар ва шиллиқлардан халос этиш ва янги Ой чиққанда аъзоларни мустаҳкамлаш чораларини кўриш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

### Табиат тарозуси

Табиат ритмларини узоқ вақт инкор этиш инсон аъзолари эҳтиёжларини қондиришга салбий таъсир кўрсатади. Салбий таъсирлар аъзоларда йиғилиб боради ва охироқибат хасталик бошланади.

Ҳар бир бурж инсон жисмидаги маълум бир аъзолар устидан ҳукмронлик қилади, деган қарашлар мавжуд. Она қорнида ўсаётган ҳомила ҳам ушбу таъсирлардан холи эмас. Чунончи, Ой Ҳамалда бўлганда, ҳомиланинг боши, Саврда — бўйни, Жавзода қўллари (ва ҳ.о.) яхши ўсиб шаклга кирар экан.

Касаллик — кўринмас оловдан чиқаётган кўзга ташланиб турадиган тутундир. Кўринмас олов деганимиз эса бу бизнинг фикрлашларимиз, нобоп, носоз ҳаётий қарашларимиз, одатларимиз, салбий иш-ҳушимиздир. Ижобий қараш ва яхши ҳиссиёт, кечинмалар — касалдан сақланиш, халос бўлишнинг энг омадли йўлидир.

**М. ХОЛМОВСКАЯ**

## ОХИРГИ СЎЗ:

***Ўлма эшагим, беда еярсан бозордан кейин...***


Milliy Tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 128.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Р.Исмаилова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Адади: 2081 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи — Музаффар АБДУШУКУРОВ

Босишга топширилди 19.30